

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Йилнинг ҳар чорагида чоп этиладиган ахборот-таҳлилий бюллетени

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими» Лойиҳаси

№ 6 сон [июль-сентябрь 2010]



Европа Комиссияси

INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING



Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR)

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!

Эътиборингизга Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб масалаларни ёритувчи ахборот-таҳлилий бюллетенининг еттинчи сонини ҳавола қиламиз.

10 октябрь куни Қирғизистонда рекорд даражадаги қатнашчилар – 29 партия иштирокида парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Таҳлилчилар фикрича, Қирғизистон саккиз марта ўз Конституциясини ўзгартирганидан сўнг бу сайловлар нисбатан демократикроқ ўтган биринчи сайловлар бўлди. Партиялар ўртасидаги рақобатнинг катталиги уларнинг қонунбузарликка йўл қўймаслик учун бир-бирларини диққат билан назорат қилишга мажбур қилди. Давлатнинг бундан буюнги қурилиши сингари Қирғизистондаги инсон ҳуқуқлари вазияти ҳам парламентнинг янги таркиби ва у томонидан шакллантирилган ҳукуматга боғлиқ бўлиб қолади. Бу орада июнь ойидаги фожеий ҳодисалардан ларзага келган жанубий Қирғизистонда ҳозирда зиддиятдан кейинги вазиятни изга солиш босқичида турибди. Қирғизистон жанубига ЕХХТнинг 52 кишидан иборат полиция гуруҳини киритиш жамиятда кенг кўламли баҳсларни юзага келтирди. Пировардида бу масалани ҳал қилиш янги парламент ва янги ҳукуматга қолдирилди.

Тожикистонда эса август ойида Душанбе марказида жойлашган Давлат Миллий хавфсизлик қўмитаси тергов хибсхонасида сақланмиш 25 маҳбус қочиб кетди. Қочоқ маҳбусларнинг катта қисми икки кун муқаддам террорчилик, гиёҳванд моддалар савдоси ва давлат тўнтаришига уриниш учун 10 йилдан 30 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинган 46 кишидан иборат гуруҳга мансуб эди. Сентябрь ойида Рашт туманининг Камароб дарасида Тожикистон Мудофаа вазирлиги колоннасига жангарилар ҳужум уюштирди, натижада 20 дан зиёд ҳарбий ҳалок бўлди. Мазкур ҳужум Хўжанддаги террорчилик хуружидан аввалроқ бўлди.

Ўз навбатида, қозоғистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатнинг ЕХХТга раислик қилаётганига қарамай, йиғилишлар эркинлиги, виждон ва сўз эркинлиги соҳаларидаги вазият ёмонлашиб кетганини билдирмоқдалар. Июль ойида ЕХХТга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашувида ЕХХТ саммитини 1-2 декабрь кунлари Остона шаҳрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Экспертлар Қозоғистон раҳбарияти саммит ўтказишда халқаро ҳамжамият томонидан ЕХХТга раислик натижалари жиддий танқид қилинаётган бир пайтда ўз ташқи сиёсий имижини кўтариш имкониятини кўраётгани билан изоҳламоқдалар. Шунингдек, сентябрь ойида Қозоғистон президенти маслаҳатчиси Нурсултон Назарбоевнинг 2012 йилда бўлиб ўтадиган давлат раҳбари сайловига ўз номзодини қўйишни режалаштираётганини маълум қилди. У Назарбоевга “сайловларда чексиз маротаба ўз номзодини қўйиш” имконини берувчи Конституцияга киритилган 2007 йилдаги тузатишлар ҳақида эслатиб ўтди.

Сентябрь ойи бошида Ашхободда Европа Иттифоқи вакиллари расмийлар билан “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бунга кўмаклашишда Туркманистон имкониятларини мустаҳкамлаш” дея номланмиш кенг кўламли лойиҳани амалга ошира бошладилар. Мазкур лойиҳа бу ёпиқ мамлакатда биринчи маротаба БМТ тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар билан ҳамкорликда йўлга қўйилмоқда. Туркманистонлик ҳуқуқ фаоллари бу гоёни амалга ошириш учун расмийлардан очиқ бўлиш ва унга фуқаролик жамиятини кенг кўламда жалб

қилиш талаб қилинади, деб ҳисоблайдилар. Бу борадаги мунозара президент Ғурбанғули Бердимухамедовнинг БМТ Бош ассамблеяси 65-сессиясидаги иштироки арафасида бўлиб ўтди. Мазкур сессияда Туркманистон президенти БМТ доирасидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини таклиф қилди.

Август ойида ўзбек ҳуқуқ фаоллари ўртасида меҳнат муҳожирлиги бўйича баҳс авж олди. Бу муаммо кўламини ўзбек расмийлари тан олишга шошилмаяптилар, чунки улар “мамлакат иқтисодиёти гуллаб-яшнапти” деган фикрда собитлар. Бироқ мазкур муаммо таҳлили билан шуғулланган Мустақил ҳуқуқ фаоллари лигаси баҳосига кўра, хорижда ўзбекистонликларнинг уч миллиондан беш миллионгача пул топиб юрган бўлиши ва улар аксарият ҳолларда ноқонуний юрган бўлишлари мумкин. Фаоллар бу одамларнинг ижтимоий ҳимоя тизимидан чиқиб қолаётгани ҳамда нафақа ва пособиелар олишга умид қилолмаслигидан ташвишга тушганлар. Маҳаллий ҳуқуқ фаоллари диққат марказида 28 миллионли Ўзбекистонда туғилишни тартибга солиш бўйича дастурнинг якуний босқичи ҳам бўлиб турибди. Бу жараён моҳиятан мажбурий стерилизацияга дучор қилинаётган аёллар ҳақ-ҳуқуқларини бузаяпти.

Эслатиб ўтамай, бюллетень Уруш ва Тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан Европа Комиссияси кўмагида амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари муҳофазаси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида чоп этилмоқда. Лойиҳа асосий мақсадларидан бири Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим ола билишлари, Тожикистонда худкушлик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани ва Қозоғистон сўз эркинлиги каби муаммоларни ҳал қилиш учун мулоқот майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Лойиҳанинг бошқа бир йўналиши эса ноҳукумат ташкилотлари вакиллари жамоатчилик билан алоқа, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишни ўргатиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари ва бу борадаги миллий қонунчилик соҳасида журналистлар учун тренинглар ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда IWPR Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Уганда, Шимолий Африка, Зимбабве, Кавказ, Филиппин ва Марказий Осиё мамлакатларида ўз фаолиятини муваффақият билан амалга ошириб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятининг 1999 йилдан буюн муваффақият билан адо этиб келмоқда ва ўтган вақт мобайнида Институт давлат, ноҳукумат (НХТ) секторлари ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйишга эришди. IWPR маҳаллий журналистлар билан биринчилардан бўлиб ҳамкорлик қила бошлади, уларга чет эллик ҳамкасблари билан алоқаларни ривожлантиришда кўмак кўрсатди. Бундай ҳамкорликнинг натижаси www.iwpr.net веб-сайтидаги кўплаб мақолаларда ўз аксини топди.

Ҳар бир сонда биз Сизни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ алоҳида ёки оммавий ҳодисалар билан лойиҳа фаолияти доирасида таништиришга ҳаракат қиламиз.

УШБУ СОНДА:

ДОЛЗАРЪ ИНТЕРВЬЮ:

- 9 Мухолифатдаги “Бирдамлик” ҳаракатининг Тошкент бўлими раҳбари Дилором Исҳоқова билан интервью

МАХСУС РЕПОРТАЖ:

- 10 Тожикистон: жангариларга қарши курашнинг янги босқичи
- 12 Ўзбекистон ҳукумати ишчи миграция мавжудлигини инкор қилмоқда

ҚОЗОҒИСТОН:

- 15 Янги қонун ахборот олиш имкониятини енгиллаштиришга қаратилган
- 16 Қозоғистонни инсон ҳуқуқлари борасида ЕХҲТ ролини чеклашда айбламоқдалар

ҚИРҒИЗИСТОН:

- 18 Қирғизистонликлар хориждан полиция кучлари киритилиши ҳақида турлича фикрдалар
- 19 Қирғизистондаги партиялар коалиция тузишга киришдилар

ТОЖИКИСТОН:

- 21 Тожикистонда оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси: яна ишланадиган жиҳатлар бор
- 22 Тожикистондаги вояга етмаган қонунбузарлар учун юмшоқроқ жазо

ТУРКМАНИСТОН:

- 25 Инсон ҳуқуқлари лойиҳасининг амалда татбиқ этилиши ҳокимият обрўси ошишига сабаб бўлиши мумкин
- 26 Туркменистондаги диний ташкилотлар расмийлар босими остида қолмоқда

ЎЗБЕКИСТОН:

- 28 Ўзбекистон қамоқхоналаридаги таҳқиқлашлар маҳбустларнинг асаб касаллигига йўлиқишига сабаб бўлмоқда
- 29 Туғилишни тартибга солиш дастури аёллар ҳақ-ҳуқуқларини бузмоқда

ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ:

Арманистонлик мутахассис қирғизистонлик ҳамкасбларига қамоқхона ва ҳибсхоналарда жамоатчилик мониторингини ўтказиш техникасини ўргатди

26-27 июнь кунлари Бишкекда “Озодликдан маҳрум этилган ва эрки чекланган шахслар сақланадиган жойларда жамоатчилик мониторинги” тренинги бўлиб ўтди.



Мониторинг концепциялар, унинг турлари ва вазифаларини Омбудсмен (Ҳақиқатчи) аппаратининг 20 дан зиёд ходими, шунингдек, Омбудсменнинг республикадаги барча ҳудудлари бўйлаб мухтор вакиллари, НҲТ ходимлари ва юристлар ўргандилар.

Пенитенциар муассаса ва ҳибсхоналардаги шахслар ҳуқуқлари билан биргаликда мазкур тренинг иштирокчиларининг фаолият доираси болалар ва ёшлар, психиатрик стационарларда бўлган беморлар ҳамда аҳолининг ночор гуруҳлари ҳуқуқларини ҳам қамраб олади.

Мазкур тадбир USAID кўмагида “Озодлик овози” жамоатчилик жамғармаси ва “Фридом Хаус” ташкилот, Германиянинг Бишкекдаги элчихонаси, Очиқ жамият институти ва Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уюштирилган.

Тадбирда Арманистон Адлия вазирлиги қошидаги пенитенциар муассасалар мониторинг гуруҳи раиси Арман Даниелян, Мустақил ҳуқуқ муҳофазаси гуруҳи эксперти Улуғбек Азимов ва Мустақил ҳуқуқ муҳофазаси гуруҳи директори Динара Саяқова тренерлик қилдилар.

Арман Даниеляннинг Қирғизистонга тўртинчи мартаба келиши. Аввалги ташрифлари чоғида ҳам у НДТ ва Омбудсмен аппарати ходимлари учун тренингларида тренер сифатида иштирок этган. Бу сафар ҳам у қирғизистонлик мутахассисга ўз амалий тавсияларини берди.

Ўқув тадбири чоғида иштирокчилар маълумот йиғиш техникасини пишитдилар. Тренинг давомида мониторинг ўтказиш бўйича турли вазиятлар, хусусан, озодликдан маҳрум этилган ва эрки чекланган шахслар, уларнинг қариндошлари, тиббиёт хизматчилари ҳамда пенитенциар муассасалар

раҳбарияти билан савол-жавоб ўтказишдаги ҳолатлар кўриб чиқилди.

“Конкрет машқларда биз малака оширдик. Мен мониторинг ўтказиш чоғида савол беришни билиш нақадар муҳимлигини ўзим учун аниқ-тиниқ белгилаб олдим. Ҳар бир ҳолатда алоҳида ёндошув ҳамда савол-жавоб ўтказишнинг бошқа структурасидан фойдаланиш талаб этиларкан. Ҳар бир илмоқ қонунбузарликни аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Бундан буён мониторинг ўтказиш

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишида интернет ва янги медиа

116-17 июль кунлари Олмаотада “Ҳуқуқ муҳофазаси ишида интернет ва янги медиа” номли минтақавий тренинг бўлиб ўтди.

Тренинг иштирокчилари - Марказий Осиёдан бўлган ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар web 2.0 дастури ҳамда янги медианинг (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, почта хизматлари имкониятлари ва бошқалар) асосий воситаларини инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўллашни ўргандилар.

Унда таниқли веб-экспертлар Адил Нурмақов (Қозоғистон) ва Бектур Искендер (Қирғизистон) тренерлик қилдилар.

Интернет ва янги медиа Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг янги моделларини юзага келтирароқ, энг муҳим ахборот манбаларидан бирига айланди. Ҳозирда аҳолининг қарийб барча қатламлари орасида тобора оммабоплашиб бораётган ижтимоий тармоқларсиз ҳеч бир коммуникацион ва адвокацион кампанияни тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу важдан замонавийроқ вебтехнологияларни қўллаш ҳар қанақа ижтимоий жиҳатдан муҳим ва айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш лойиҳаларида зарур бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистлар янги медиадан иш жараёнида кўп фойдаланишларига қарамасдан, улар интернет-ресурсларнинг мавжуд имконияти ва веб-экспертларнинг профессионал сирлари борлиги ҳақида шубҳа ҳам қилмай, кўпинча энг кам воситалардан фойдаланадилар.

Аёллар ҳуқуқи

20 июль куни Чимкентда “Аёллар ҳуқуқи” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатининг мақсади иштирокчиларни ҳимоянинг ҳамда ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини рағбатлантиришнинг асосий тамойиллари, минимал халқаро стандартлар, шунингдек, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш соҳасидаги тажриба билан таништириш орқали гендер ҳабардорлигини ошириш эди. Давра суҳбатини “Уруш ва тинчликни ёритиш институти”нинг Қозоғистондаги ваколатхонаси, “Аёллар ресурс маркази” ноҳукумат ташкилоти, Жанубий Қозоғистон вилоят ҳокими ҳузуридаги Аёллар ишлари ва оила-демографик сиёсати бўйича комиссияси ҳамда Чимкент шаҳар Аёллар ишлари ва оила-демографик сиёсати бўйича комиссияси уюштирди.

пайтида мен юзага келиши мумкин бўлган ҳар турли вазият ва фавқуллода ҳолатларга янада тайёрроқ бўламан”, - деди тренинг иштирокчиларидан бири, Ўшдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича эдвокаси маркази” вакили Улан Бекмуратов.

Унинг сўзларига кўра, бу тренингда у мониторинг натижалари бўлиши учун тайёргарлик иши қандай бўлиши кераклиги ҳақида кенг кўламли билимларга эга бўлган.

Дейлик, “Сари-Арқа Медиа” (Қарағанда) ҳудудий журналистика маркази вакиласи Элмира Бўранбаева фикрича, тренингда иштирок этиш унга ҳуқуқ муҳофазаси ишида мутлақо янги технологияларни ўзлаштириш имконини берган.

“gmail ёки Skype каби ўзимиз кўнканан сервислар менинг кўз ўнгимда умуман янги форматда, ахборот тарқатиш, айниқса Қозоғистон каби улкан мамлакат учун жуда долзарб бўлган жўрофиясига қарамасдан ташаббусларни ёйиш бўйича имкониятларга тўла сервисдек намоён бўлди”, - деб ҳисоблайди у.



“Эндиликда Facebook ва Twitter биз учун шунчаки мулоқот ва виртуал кўнгилхушлик воситаси бўлиб қолмайди, тренерлар бу ва бошқа ресурсларнинг медиа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш лойиҳалари, Интернет тармоғида ўз сайтларимиз ва лойиҳаларимизни ёйинлаш учун чексиз имкониятларга эга эканини кўрсатиб бердилар”, - дейди ишонч билан тренинг иштирокчиси.

Давра суҳбати дастурида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ишида талаб энг кўп бўлган мавзулар тақдим этилган: Қозоғистон Республикасининг аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича икки қонуни – “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги, “Эркаклар ва аёллар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги бўйича давлат кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини муҳокама қилиш, улардаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, аёвсиз муомаладан жабр торган аёллар учун “Махсус ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонун стандартлари лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф бериш ва муҳокама қилиш, Оила, аёллар ва болалар вазиятини яхшилаш муаммолари бўйича маҳаллий ҳокимият органлари, оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Давра суҳбатида жами 32 иштирокчи иштирок этган бўлиб, улар орасида Жанубий Қозоғистон вилоятидаги туманларнинг маҳаллий ижроия органлари, Чимкент шаҳар ва Жанубий Қозоғистон вилоят ҳокимининг туман аппаратлари қошидаги Аёллар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат бўйича комиссияси вакиллари бор эди.

Тадбир натижаларига кўра “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги, “Эркаклар ва аёллар ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги бўйича давлат кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни яхшилаш бўйича бир неча тавсия тақдим этилди, махсус ижтимоий хизматлар стандартлари лойиҳалари бўйича тузатишлар ва таклифлар киритилди, Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими жаноб Мирзахметов номига хат битилди.

22 август куни Остона шаҳрида Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан стандартларни ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Қозоғистон президенти ҳузуридаги Аёллар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат бўйича миллий комиссияси, Қозоғистон Ички ишлар вазирлиги, Қозоғистон Таълим вазирлиги, Қозоғистон



Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЕХҲТнинг Остонадаги маркази, Халқаро миграция ташкилот ва аёлларнинг натижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Бизнинг тармоқда ишчи гуруҳи таркибига лойиҳа раҳбари, “Статус Аёллар федерацияси” ноҳукумат ташкилоти президенти, “Жабрланган дугоналарга хизматлардан фойдаланиш имконияти” лойиҳаси раҳбари Унжакова И. С. кирган бўлиб, ўз навбатида, у ишчи гуруҳнинг кейинги мажлиси чоғида давра суҳбатимиз натижаларини тақдим этади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш журналистикаси

24 ва 25 июль кунлари Ҳоруғда “Ҳуқуқни ҳимоя қилиш журналистикаси” мавзусида тренинг бўлиб ўтди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзуси оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг ўзига хос жиҳатлари билан Тоғли Бадахшон вилоят маркази ва туманларидан келган 17 журналист таништирилди.



Машғулотларда Инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бўйича бюроси жамоатчилик ташкилоти мутахассислари Наргис Зокирова ва Зулфиқор Замонов тренерлик қилдилар.

Ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти фаоллари учун ахборот хавфсизлиги сиёсати

26-28 июль кунлари Олмаотада “Ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти фаоллари учун ахборот хавфсизлиги сиёсати” тренинги бўлиб ўтди.

Унда Марказий Осиё мамлакатларидан бўлган ҳуқуқ фаоллари ва журналистлар иштирок этдилар. Машғулотларга ахборот хавфсизлиги соҳасидаги энг яхши экспертлардан бири – Россия Федерацияси Давлат думаси қошидаги

Инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бўйича бюроси директори Наргис Зокирова тренингни очаркан, мазкур семинарнинг мақсади журналистларни инсон ҳуқуқлари асослари билан таништириш бўлиб ҳисобланишини қайд этди.

Мазкур тренинг доирасида журналистлар инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг миллий ва халқаро механизмлари ҳақида маълумот олдилар, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари – фикр билдириш эркинлиги, адолат суд, юридик ҳимоя, қийноқлардан ҳоли бўлиш ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлар билан танишдилар.

Ҳудуддаги бир қатор давлат ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва ходимлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш журналистикаси асослари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг асосий тамойиллари, Тожикистон миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш механизмлари билан ҳам таништирилди. Тренинг иштирокчилари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ишини ҳам ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

“Ҳозирги пайтда Тожикистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар жуда кўп бузилиши кузатилаётганини ҳисобга олсак, тренинг жуда долзарб бўлди”, - деди семинар иштирокчиси Гулбахор Раҳмонқулова.

Ҳамюртлар кенгаши аъзоси, Туркменистон Демократик фуқаровий уюшмаси раиси, қароргоҳи Нидерландияда бўлган Фуқаролик демократик уюшма раҳбари Вячеслав Мамедов тренерлик қилди.

Тренингнинг мақсад ва вазифалари ичига ахборот хавфсизлиги муаммолари, уларни бартараф қилиш ҳақида умумий маълумот бериш ва исталмаган аралашувдан

ҳимояланиш, шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўриш бўйича жўяли қарорлар қабул қилинишини рағбатлаштириш; ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти фаоллари учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш; ахборот тизимларини муҳофаза қилиш бўйича дастурий-техник чораларни кўриш; хавфсизликнинг процедурага оид чораларини қабул қилиш малакасини ҳосил қилиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишини кузатиб бориш ва уларга қарши кампания олиб бориш кабилар кирарди.

Иштирокчилар ёзишмалар ва маълумот узатишни ҳимоялаш, санкцияланмаган киришларнинг, инфор­ мацион тизим ишига шикаст етказилиши ёки унинг ишдан чиқарилиши олдини олиш; компьютерлар ва тармоқларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш ва б. энг замонавий технологиялари билан танишдилар.

Тренинг чоғида энг аввало эътибор ҳуқуқ фаолининг хавфсизлигига бевосита алоқадор бўлган ахборотни ҳимоя қилишга қаратилди.



Тренинг иштирокчилари уларнинг фуқаролик эркинликлари қобиғига ёриб кириш йўлларини аниқлашни ўргандилар, хавфсизликнинг актив ва пассив тизимларини ўзлаштирдилар, ўз иш шароитидан келиб чиққан ҳолда ахборот хавфсизлигининг яқка тартибдаги сиёса-



тини мустақил равишда ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар.

Иштирокчилар фикрича, тренинг мавзуси ва контенти бугунги кунда жуда долзарбдир. Иштирокчиларнинг кўпи ишлашнинг ахборот хавфсизлиги каби жиҳатининг нақадар муҳимлигини илк мартаба англаб етдилар ва ўз ишларини анча хавфсизлантириши мумкин бўлган омма­ боп технологиялари мавжудлиги ҳақида билиб олдилар.

MediaNet халқаро журналистика маркази лойиҳа мувофиқлаштирувчи Динмухамед Зиядин: “Мен ахборот хавфсизлиги нималигини, ахборот билан ишлашда ноҳукумат ташкилотлари вакиллари учун қанақа хатарлар бўлиши мумкинлиги ва бунда ўзини қандай ҳимоялаш кераклигини билиб олдим. Эшитганларимнинг 70 фоизи мен янгилик бўлди. Аминманки, электрон ташувчилардаги дастурларнинг фойдаси анча кўп бўлади, чунки уларнинг ҳар бири айнан ҳуқуқ фаоллари, ноҳукумат ташкилоти вакиллари фаолияти учун танлаб олинган. Ҳозирги нотинч давримизда иштирокчилар олган маълумотлар жуда қўл келади.

Тренинг чоғида мен кенгроқ тарқалган, биз ишонган хавфсизлик тизимлари унча ишончли эмаслигини тушундим. Тренингга қадар мен бу ҳақда анча юзаки билимларга эга эдим. Эндиликда мен ахборотни қандай ҳимоя қилишни биламан”.

IWPR видеоконференцияси Қирғизистондаги парламент сайловларини муҳокама қилиш учун Бишкек ва Вашингтонни боғлади

IWPRнинг Қирғизистондаги ваколатхонаси Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси (Вашингтон) билан ҳамкорликда видео-Интернет давра суҳбатларини муваффақият ила уюштиришда давом этмоқда. Қирғизистондаги эътиборга моликроқ ижтимоий-сиёсий воқеаларни муҳокама қилиш учун мамлакатнинг етакчи сиёсий партиялари вакиллари ва таҳлилчилар тақлиф этилади. АҚШ томонидан иштирокчилар Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси, АҚШ Давлат департаменти, Очиқ жамият институти (OSI), Демократияни қўллаш Миллий жамғармаси (NED), Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ комиссияси (USCIRF) экспертлари ва мустақил таҳлилчилар. Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармасининг Марказий Осиё бўйича етакчи эксперти Марта Брилл Олкотт ва IWPRнинг Қирғизистондаги ваколатхонаси директори Эрлан Абдилдаев давра суҳбатида модераторлик қиладилар.

11 август куни бўлиб ўтган видеоконференция 2010 йилнинг 27 июнь куни референдумда қабул қилинган

Қирғизистон янги конституциясига, унинг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириб, Қирғизистонни бўҳрондан олиб чиқиб кета олиш-олмаслигига бағишланди.

“Бу мустақил бўлганимиздан бери 19 йил ичида биз қабул қилаётган Конституциянинг саккизинчи таҳриридир. Аф-





суски, жамиятимиз, агар янги Конституцияни қабул қилсак, агар давлат тузуми шаклини ўзгартирсак, эртагаёқ ҳамма нарса ўзгаради, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бизнинг муаммоимиз давлат тузуми шаклида эмас, балки давлат ҳокимиятини тамсил этувчи масъулиятсиз амалдорларимиздадир”, – деди “Бутун Қирғизистон” партияси рўйхатида биринчи турган, бу галги парламент пойгаси иштирокчиларидан бири Мирослав Ниязов.

“Мамлакатимиз конституцияси очиқ муҳокама қилинди. Конституцион кенгаш аъзолари аҳолининг кенг қатламлари ичидан танлаб олинган. Эски режим пайтида мен ўз фикримни очиқ айта олмасдим, ўзимга ёққан фаолият билан эркин шуғуллана олмасдим. Мен турмушимиз ўзгарди, дейишни истардим”, – дея қайд этди видеоконференция иштирокчиси, яқинда БМТ ва Женевадаги бошқа халқаро ташкилотлар қошида Қирғизистон Республикаси доимий вакили лавозимига эга бўлган “Сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар маркази” эксперти Гулнара Исакова.

Ўз навбатида, Қирғизистон коммунистларининг собиқ лидери Исҳақ Масалиев мамлакатдаги парламентаризм истиқболлари юзасидан ўз шубҳаларини айтди. “Конституцияни ҳаётга татбиқ қилиш тобора муаммога айланиб бораяпти. Ҳозирги шароитда парламент бошқарувини жорий қилиб бўлмайди”, – дея ўз фикрини билдирди Масалиев.

Бошқа бир видеоконференция 28 сентябрь куни – 10 октябрга белгиланган парламент сайловлари арафасида бўлиб ўтди. Маълумки, бу сафар сайловларда мамлакат учун рекорд миқдорда – 29 партия иштирок этмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Қирғизистон Республикаси қонун чиқарувчи органига ўтиш учун реал имкониятга эга эмас. “Ақ Шумқар”, “Ар-Намис”, “Ата-Журт”, “Замандаш”, Қирғизистон социал-демократик партияси вакиллари америкали ҳамкасблари билан пойгада иштирок этаётган сиёсий кучлар позицияси ҳамда Қирғизистонни парламент сайловларидан кейин нималар кутаётганини муҳокама қилдилар.

Учрашув чоғида бу сайловлар нақадар ҳалол ва шаффоф бўлиши ҳақида гап кетди, чунки аввал Қирғизистон тарихида президентлик сайловлари ҳам, парламент сайловлари ҳам, референдумлар ҳам халқаро ҳамжамият ва маҳаллий кузатувчиларда кўплаб саволлар туғдирганди. Учрашув иштирокчилари бу сайловлар сохталаштиришларсиз ўтиши, негаки тенг кучли партиялар ўртасида рақобат кучли бўлгани ҳар қандай қонунбузарликнинг сезилмасдан қолишига имкон бермаслигини айтдилар.

Қирғизистон социал-демократик партияси аъзоси Шамиль Атаханов ўтган йилларда бошдан кечирилган воқеалар сабабли Қирғизистон жамиятининг фуқаролик онги анча ўсганини ва бу ҳолат жорий йилда ўтказилажак сайлов жараёни шаффоф ўтишига умид қилишга имкон беришини қайд этди. “Ак-Шумқар” партияси аъзоси Тамерлан Ибраимов Қирғизистонда сайловларда ҳужжатларни сохталаштириш ва маъмурий ресурслардан фойдаланиш анъанаси кучли эканини ва унинг фикрича, бундан имкониятлари бор партиялар бемалол фойдаланиши мумкинлигини кўшимча қилди. “Бошқа томондан қаралганда, ҳозир Қирғизистонда 7-8 та анча кучли партиялар бор бўлиб, аввалда айтилганидек, уларнинг ҳаммаси бир-бирининг имкониятини яхши билади ва бошқа партияларни назорат қилади. Айнан партияларнинг ана шундай хилма-хиллиги туфайли сайловларни нисбатан ҳалол ўтказиш эҳтимоли анча юқори”.

Учрашув иштирокчиларининг кўпчилиги “сайловларгача Қирғизистонда ҳеч қандай нохуш ҳодисалар бўлмайди, чунки сайлов ўтказилмай қолишидан ҳеч ким манфаатдор эмас”, деган фикрда яқдил бўлдилар. Бироқ парламентга ҳар турли куч мавқеи билан бир неча партия ўтиши ҳисобга олинса, тўқнашувлар коалицион ҳукумат тузиш чоғида юз бериши мумкин, дея тахмин қиладилар таҳлилчилар. “Ата-Журт” партияси сиёсий кенгаши аъзоси Иманқадир Рисалиевнинг қайд этишича, [коалиция ташкил этиш чоғида] сюрпризлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас ва “бўрон кўчада эмас, парламент биноси ичида бўлади”.

Қирғизистонни сайловдан кейин нималар кутаётгани ҳақида гапиртуриб, таҳлилчи Валентин Богатирев “ҳозирдан кўриниб турган натижаларга қаралса, бирорта партия ҳам парламентда кўпчиликни ташкил этолмайди”, дея қайд этди. “Парламент кўпчилигини ташкил қила оладиган партия бўлмаслиги ойдинлашгандан кейин бу сайлов кампанияси олдида турган мақсадлар ўзгарди. Эндиликда асосий масала парламент сайловларининг ўзи эмас, балки бу парламент сайловларининг кейинги президентлик сайловлари учун старт бериши бўлиб ҳисобланади”, – дея таъкидлади Валентин Богатирев.

Видеоконференция иштирокчилари мамлакатдаги партия тизими яқин орада сезиларли ўзгаришларга учрайди, дея хулоса қилдилар. Асосийси, бу сайловларда фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларига тажовузлар бўлмаслигидир.

Ахборот олиш ҳуқуқи – лоқайд бўлманг

2010 йилнинг 20 август куни Олмаота шаҳрида фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида БМТ тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган Қозоғистондаги оммавий ахборот олиш имконияти ҳақидаги қонун лойиҳаси бўйича навбатдаги ҳудудий жамоатчилик тингловлари бўлиб ўтди.

Ҳудудий тингловлар серияси давлат идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, ҳудудий органлар, давлат идораларига ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига бўйсунувчи муассасалар, ташкилотлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасида ахборот олиш ва тарқатиш соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ахборот олиш имконияти ҳақидаги қонун лойиҳасини кенг кўламда муҳокама қилиш мақсадида ўтказилмоқда.

Ахборот ҳуқуқи мамлакатдаги бошқарувда фуқароларнинг самарали иштироки ҳамда ҳукуматнинг аҳолига ҳисоб бериши мавжуд бўлган демократик давлат қуриш йўлидаги асосий компонент бўлиб ҳисобланади. Ахборот ҳуқуқи турли даражада коррупция билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш учун воситага айланганига мисоллар кўп.

Ахборот олиш имконияти ҳақидаги қонун муҳим ижтимоий имтиёзлар беришга қодир. Қонун оммавий ахборот олиш ва тарқатишнинг усуллари ва тартибини жорий қилади, ахборотдан фойдаланувчилар ва ахборот

рот эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради, оммавий ахборотни эркин олиш ва тарқатиш учун ахборотдан фойдаланувчилар ҳақ-ҳуқуқларининг турмушга татбиқ этилиши кафолатларини жорий этади.

Тингловлар Уст-Каменогорск ва Қарағанда шаҳарларида ўтказилди. Тинглов иштирокчилари томонидан ахборот олиш имконияти ҳақида алоҳида қонун ишлаб чиқиши ва қабул қилинишининг долзарблиги қайд этилди, қонуннинг муайян меъёрларини қайта ишлаш бўйича амалий таклифлар киритилди.

Тингловлар чоғида иштирокчилар ахборот олиш имконияти соҳасидаги қонунчиликни жорий қилиш истиқболлари бўйича фикр алмашадилар, қонун лойиҳаси меъёрларининг бундан буёнги қайта ишланиши ҳамда уни Қозоғистон Республикаси парламентида киритиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳаси Қозоғистондаги фуқаролик жамияти, ахборот олиш имконияти бўйича ишлаган етакчи ташкилотлар: Қозоғистон Медиа Альянси, “Адил Соз” жамоатчилик жамғармаси, “Интерньюс Қозоғистон” ноҳукумат ташкилоти, “Информацион ташаббус” жамоатчилик жамғармаси, “Десента” жамоатчилик жамғармаси, “ЗУБР” ижтимоий-корпоратив жамғармаси, Қозоғистон Республикаси Қонунчилик институти ва бошқа ташкилотлар экспертлари томонидан тайёрланган.

Қозоғистон республикасида ўтган “оммавий ахборот воситалари келажаги журналистлар кўлида” биринчи минтақавий медиафоруми

20 сентябрь куни Олмаота шаҳрида “Оммавий ахборот воситалари келажаги журналистлар кўлида” биринчи минтақавий медиафоруми бўлиб ўтди.

Биздаги оммавий ахборот воситалари қаёққа қараб кетаяпти? Замонавий дунёда қандай қилиб рақобатбардош компанияларга айланиш мумкин? Халқ журнализмини нима билан “ейдилар”? Матбуот учун Интернет ёмонлики ё яхшилик? Жаҳон тармоғидаги блокировкаларни қандай айланиб ўтиш мумкин? Журналистларга ўз-ўзини цензура қилиш керакми? – медиафорумнинг беш сессиясида шу ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Медиафорумга Қозоғистон медиаси вакиллари, депутатлар, Қозоғистон ва хорижий медиа ташкилотлари ва экспертлар, халқаро жамғармалар ва элчихоналар ходимлари иштирок этдилар.



Тадбир ҳамкорлар: Freedom House ташкилотининг Қозоғистондаги ваколатхонаси ва Қозоғистон Медиа Альянси, Сорос-Қозоғистон жамғармаси, MediaNet халқаро журналистика мактаби.

“Мақсадимиз норасмий вазиятда Марказий Осиё минтақаси, биринчи навбатда, Қозоғистон журналистларининг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ҳамда уларни ҳал қилиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилишдир”, - дея изоҳлади уюштирувчилар ғоясини медиафорумнинг “Республика” нашридан бўлган мувофиқлаштирувчиси Ирина Медникова.

“Ахборот майдонининг интернет-фазога тобора кўпроқ кўчаётгани журналистикани технологикроқ бўлишга,

мультимедия йўналишини ривожлантиришга мажбур қилмоқда”, - деб ҳисоблайди MediaNet халқаро журналистика марказий директори Игорь Братцев. – Шунинг учун ҳам ОАВ профессионаallarининг ҳар қандай учрашуви янги ғояларни очиқлаш, уларни қабул қилиш, ривожлантириш ва улардан медиабозор тараққиётида фойдаланиш учун хос имкониятдир”.

Қирғизистон жанубидаги журналистлар ҳуқуқ муҳофазаси ишида интернет ва янги медиадан қандай фойдаланишни ўргандилар

1-2 октябрь кунлари Ўш шаҳрида “Ҳуқуқ муҳофазаси ишида интернет ва янги медиа” тренинги бўлиб ўтди. Қирғизистоннинг уч вилояти: Ўш, Жалолобод ва Боткен вилоятлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ҳамда журналистлардан иборат ўн беш киши – тренинг иштирокчилари янги медианинг асосий воситалари (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар ва б.) ҳамда уларни инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда қандай қўллашни ўзлаштирдилар.

Қирғизистондаги Kloor.kg янгиликлар портали ва йирик блог платформаси асосчиси бўлган тренер Бектур Искендер Қирғизистон жанубидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, кўп ҳолларда янги медиа воситалари ахборотнинг ягона ҳаққоний манбаси бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисоблайди.

“Мен ҳозир бунақа тренинг ўтказишнинг айна вақти, деб ўйлайман, чунки содир бўлган воқеалар қабатида (ҳаммамим бунақа воқеалар қайтарилмаслигига умид қиламиз) ҳуқуқ фаолларида жамиятни ҳар қанақа ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўша заҳоти огоҳлантиришга имкон берувчи воситалари бўлиши барибир муҳим”, – деди Искендер.

Тренинг нетворкинг ва мобил Интернет билан ишлаш малакасини ўзлаштириш имконини берувчи амалий машғулотларни ўз ичига олди. Ҳуқуқ фаоллари ва журналистлар Twitter микроблогнинг платформасида рўйхатдан ўтдилар. Тренингда иштирокчилар ўз блогини ҳам яратдилар ҳамда уларга матн ва фотосуратлар юкладилар.

“Ўтган икки кун жуда янгиликларга бой бўлди. Даставвал мен буларнинг ҳаммасини, айниқса, техника ва турли интернет-илвалардан қандай фойдаланишни ўзлаштиролмайман, деб ўйлагандим. Мен блог яратишда муайян қийинчиликларга дуч келдим, аммо тренер мен учун ҳар доим ёрдамга ҳозир бўлиб турди, шу тўғрисида эндиликда Интернет оламида мен ўзимни жуда эркин ҳис қила бошладим”, - дея қайд этди тренингни ўшлик иштирокчиси, “Фуқаролар коррупцияга қарши” ҳуқуқни муҳофаза қилиш маркази ҳудудий ваколатхонаси директори Алийма Шарипова.

У тренинга қадар ижтимоий тармоқлардан мутлақо фойдаланмаганини айтди. У бундан буён Facebook ва Twitter тармоқларига ҳафтасига камида уч-тўрт марта киришни режалаб турибди.

“Тренинг чоғида бу ресурслар ёрдамида жуда тезлик билан янгиликлар алмашиш мумкинлигини ўзим учун қайд этдим. Бу менинг ишимда жуда қўл келади. Эндиликда

Анжуман ташкилотчилари ва ҳамкорлари форумда медиаҳамжамият муаммолари ҳақида ҳаққоний ва очиқ суҳбат бўлиб ўтиришга умид қилмоқдалар.



мен ўз марказимизга келаётган маълумотларни жамоатчиликка оператив тарзда етказа оламан”, - деди Шарипова.

Ўз навбатида, “Справедливость” ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти (Жалолобод шаҳри) ҳуқуқий қабулхонаси раҳбари Бақтиқан Жапарова янги коммуникация воситаларининг самарадорлиги ҳақида анчадан бери эши-тиб юрганини, бироқ бу ресурсларни мустақил равишда ўрганишга имкон тополмаганини таъкидлади.

“Тренингда мен ижтимоий тармоқлар ва Твиттерда ишлаш бўйича қадамба-қадам инструкция олдим. Бундаги қарийб ҳамма нарса мен учун янги эди. Твиттер менга фавқуллода ҳолатларда ёрдам бериши мумкин экан. Бизда қонунбузарликлар бўлиб турибди, суд жараёнлари кетмоқда, шунинг учун ҳам ахборотни оператив тарзда узатиш мутлақо зарур.

Аммо ҳар доим ҳам компьютер ёнинида бўлмайди ва Интернет ҳам ҳамма жойда бор эмас. Баъзан маълумотни узатиш учун икки кун кетиб қолиши мумкин. Бунда Твиттер маълумотни кенг жамоатчиликка бир зумда, воқеа жойининг ўзидан уяли телефон орқали етказиши мумкинлиги билан жуда қўлай”.

“Турли авлод вакиллари уяли телефон ёрдамида нолдан бошлаб Твиттерда рўйхатдан ўтдилар ва ёза бошладилар. Бу бўлажак сайловлардан бошлаб биз мамлакатда содир бўлаётган воқеалар ҳақида кенг кўламда ахборот ола бошлаймиз, дея умид қилишга имкон беради”, - дея ўз мулоҳазаси билан ўртоқлашди Бектур Искендер.

ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ:



2010 йилнинг 28 июль куни Ўзбекистон суди сиёсий фаол, муҳолифатдаги “Бирдамлик” ҳаракати Шаҳрисабз бўлими аъзоси Азамат Азимов устидан ҳукм чиқарди. У Ўзбекистон Жиноят кодекси 270-моддасининг 5-банди - “Маън қилинган экинларни етиштирганлик” ҳамда 273-моддасининг 5-банди - “Банг моддалари ёки психотроп моддаларни сотиш мақсадида ноқонуний равишда тайёрлаганлик, сотиб олганлик, сақлаганлик ва сотганлик” бўйича етти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Муҳолифатдаги “Бирдамлик” ҳаракатининг Тошкент бўлими раҳбари Дилором Исоқова IWPRга берган интервьюсида Азимов иши сиёсий мотивга эгалигини ва шу тариқа расмийлар фаолни унинг жамоатчилик фаолияти учун жазолаганларини билдирди.

IWPR: Азамат Азимовнинг қамалишини сиз нима билан боғлайсиз?

Дилором Исоқова: Унинг ҳибсга олинишию етти йилга озодликдан маҳрум қилиниши - буларнинг ҳаммаси унинг сиёсий фаолияти натижасидир. У “Бирдамлик” ҳаракатининг Қашқадарё вилоятидаги фаолларидан бири эди. Ҳаракатимиз қурултойига тайёргарлик кунлари [2009 йилнинг кузи – изоҳ] у ўзини жуда яхши томондан кўрсатди, фаоллик билан ишлади. Ҳаммаси ўшанда бошланди. У ҳуқуқ-тартибот идоралари назарига тушиб қолди. Унинг ҳибсга олинишидан аввал содир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси моҳиятан бунга исботлаб турибди. Чунки унинг уйи кузатувда бўлган, у ва унинг яқинлари орқасидан пойлоқчилар юрган. Унинг яқинларини кўрқитганлар. Азимов билан боғлиқ ҳодиса менинг ҳуқуқ фаоллари ва сиёсий муҳолифат аъзоларини ҳар доим қулоққа ёқмайдиган, таъбир жоиз бўлса, “хунук” моддалар билан қамоққа тиқишлари ҳақидаги фикрларимни яна бир бор тасдиқлади. Бу бангфурушлиқдир. Журналист ва ҳуқуқ фаоли Солижон Абдураҳмонов билан ҳам худди шундай бўлганди. Ёки уларни фирибгарликда айблайдилар. Масалан, Аъзам Турғунов, Ағзам Фармоновга қарши уюштирилган ишлар каби. Яъни расмийлар ҳар доим фаоллар ва ҳуқуқ ҳимоячиларини майда фирибгар ёки бангфуруш сифатида кўрсатавердилар.

Аммо биз ҳаммамиз биламизки, Азамат Азимов ҳеч қачон бангфуруш бўлмаган, у ҳеч қачон бунақа иш билан шуғулланмаган. Шаҳрисабз эса кичкинагина шаҳар. Агар

у банг савдоси билан шуғулланганида уни аллақачонок ушлашган ва бу ҳақда ҳамма билган бўларди.

Чунки банг моддаси савдоси билан шуғулланувчи кишилар унча камбағал яшамайдилар. Азамат эса аксинча моддий жиҳатдан анча қисилиб яшаган. Мен ҳатто унинг оиласи анча қашшоқ деган бўлардим. Бу ишларнинг ҳаммасига унинг сиёсий фаолияти сабаб бўлди. Унга нисбатан очилган ишнинг уюштирилганини Азаматни ҳибсга олиш чоғида жинойи-процессуал ҳуқуқнинг барча меъёрлари бузилгани ҳам кўрсатиб турибди. Уни бир туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қўлга олганлар, бошқа туман милициясига юборганлар, судловни эса учинчи жойда амалга оширганлар.

Уни тўрт ой ҳибсда сақлаганлар, бу вақт мобайнида ҳеч ким, ҳатто адвокатлар ҳам унинг тақдири ва унинг аҳволи ҳақида бирор маълумотга эга бўлолмаганлар. Милиция унинг яқинлари ва қариндошларини шу қадар кўрқитиб қўйганки, улар ҳатто биз билан алоқага чиқишдан ҳам бош тортдилар. “Бирдамлик” ҳаракати вакили унинг уйига келганида Азимовнинг қариндошлари ҳатто эшикни очмаганлар. Кейин эса улар ўзларини, агар ҳуқуқ фаолларига мурожаат қиладиган бўлсалар, бу ҳақда қанақадир материаллар чоп қилинса, агар жамоатчилик орасида шов-шув кўтарилса, расмийлар Азимовни қамоқдан чиқармаслик учун барча чораларни кўришлари ҳақида огоҳлантирганларини айтишди. Аксинча, қариндошлар ўзларини яхши тутишиб, бировга оғиз очмасалар, “уни қўйиб юборишимиз мумкин” деб ваъда берганлар. Қариндошлар бунга ишониб, ҳуқуқ-тартибот идоралари нимани буюрган бўлсалар, шуни қилганлар. Шунга қарамай, Азаматга етти йиллик қамоқ жазоси берилди.

IWPR: Азимов қачон “Бирдамлик” фаолига айланган?

Исоқова: Унинг “Бирдамлик” сафига қўшилганига яқинда икки йил тўлади, унинг энг фаол пайти эса айнан ўтган йилнинг ноябрь ойига тўғри келади, у ўшандаёқ назарга тушиб қолган экан. Буларнинг ҳаммаси ўша ишларнинг ҳосиласи.

IWPR: Бу ҳукмдан кейин “Бирдамлик” ҳаракатининг бошқа фаоллари ва Ўзбекистонда ҳуқуқ муҳофазаси билан шуғулланиб юрган кишилар нима қилмоқчилар? Бошқаларни ҳибсга олиш хавфи борми?

Исоқова: Албатта, иш бу билан тухтаб қолмайди. Аммо бу бировни кўрқита олмас керак. Чунки Ўзбекистонда бу соҳада ҳаммаси аниқ. Агар бирор киши фаоллик билан ишласа ёки муҳолифатдаги қанақадир партиянинг, ҳаракатнинг номигагина аъзоси бўлса, барибир Азимовнинг кўргилиги унинг бошига ҳам тушади. Бу хатардан ҳеч кимимиз ҳоли эмасмиз. Муҳолифатчилар, ҳуқуқ фаоллари ичида судланмаган одам кам. Масалан, мени икки марта сохта айблов билан судлаганлар: бир марта мен гўё давлат тўнтаришини амалга оширмакчи бўлган эмман, бошқа сафар эса одамни калтаклаганмишман. Ҳеч кимга асосли айблов қўйилган эмас, бироқ бунақа айблов албатта қўйилади. Бироқ бу сиёсий фаол кишилар ўзгача фикрлилик ва адолат талаб қилиб, курашгани учун таъқиб қилинишини яна бир маротаба исботлайди. Аммо биз ишлашда давом этамиз.

МАХСУС РЕПОРТАЖ

Тоҷикистон: жангариларга қарши курашнинг янги босқичи

Хужум натижасида 25 нафар аскар ҳалок бўлди, бу эса мамлакатдаги барқарорлик ва хориждан кириб келган исломийлар борлиги юзасидан саволларни пайдо қилди

Ҳукумат кучлари пистирма сабабли 25 аскардан айрилганидан кейин мамлакат шарқидаги қуроли гуруҳларни йўқ қилиш учун тозалаш ишларини олиб бораётган бир пайтда таҳлилчиларнинг жангарилар пайдо бўлиш сабаблари юзасидан фикрлари бир-биридан фарқли бўлмоқда.

IWPR текшируви қаршилик 1992-95 йилларда Тоҷикистондаги фуқаролар уруши чоғида фаолият олиб бормиш Бирлашган тожик муҳолифати собиқ командирлари бошчилик қилаётган маҳаллий қуролланган кучлар томонидан бўлаётганини кўрсатди.

Толибон билан алоқада бўлган исломий ташкилот – Ўзбекистон Исломи ҳаракатининг (ЎИХ) хужум ортида бу ташкилотнинг ўзи тургани ҳақидаги баёноти, афтидан, унчалик аниқ эмас, лекин ЎИХ тожик гуруҳлари билан алоқада бўлиб туриши ва уларни фаол ҳаракатларга ундаш учун ўз одамларини юбориши мумкинлиги ҳисобга олинса, бу эътирофда қисман ҳақиқат бордай кўринади.

Мазкур хужум 19 сентябр куни аскарлар тушган юк машиналари пойтахт Душанбедан 180 км шарқроқдаги Рашт водийсининг Камароб дарасида кетаётган пайтда содир бўлди. Зирҳланмаган юк машиналари ўққа тутилган пайтда 25 аскар ҳалок бўлди ва 11 нафари жароҳатланди.

Кўшинлар август ойида Душанбедаги қаттиқ қўриқланадиган қамоқхонадан қочган маҳбусларни тутиш учун қўйилмиш блокпостлар бўйлаб тақсимланганди. Қочоқ маҳбусларнинг катта қисми ҳукумат кучлари Тоҷикистон шарқида ҳаракат қилган қуроли гуруҳларни зарарсизлантириш бўйича махсус амалиёт ўтказган 2009 йилда ҳибсга олинмиш 46 кишидан иборат гуруҳга кирарди. (Бу ҳақда батафсилроқ “Тоҷикистон шарқий водийларининг бўйсундирилиши” мақоласида ўқинг).

Тоҷикистон Мудофаа вазирлиги ва Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси бу пистирма Раштдаги уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг собиқ бошлиғи Мирзохўжа Аҳмадов, шунингдек, Мулло Абдулло ва Ало-виддин Давлатов жангарилари гуруҳи томонидан уюштирилганини билдирдилар. Бу гуруҳ, дея қўшимча қилади ҳуқуқ-тартибот идоралари, террорчилик ҳаракатларига ўргатиш учун ёшлар орасидан жангариларни жалб қилган. Махсус хизматлар Гармга яқин ерда жойлашган Аҳмадовнинг уйига хужум уюштириб, у жойда беш жангарини ўлдиришди ва яшириб қўйилган қурол-аслаҳаларни мусодара этишди.

Ҳукумат кучлари бу ердаги маҳаллий фаоллар ва уларнинг хорижлик тарафдорларини таъқиб қила бошладилар. Бу жойда яшаган кишилардан бири IWPRга 22 сентябрь куни вазият таранглигича қолаётганини, ҳарбий техника эса Гарм ва Камаров дараси ўртасидаги асосий йўлдан у ёқдан-бу ёққа тинмай қатнаб турганини гапириб берди. Маҳаллий кишилардан бошқа бири эса қишлоққа кириш ва чиқиш йўллари ёпиб ташланганини айтди.

Жангарилик кайфияти қаердан пайдо бўлди?

Мамлакат шарқидаги тоғли ҳудудларда кучайиб бораётган алғов-далғов 1992-1997 йиллардаги фуқаролик урушини эслатиб бормоқда. Бу урушда Бирлашган тожик муҳолифатига дохил Тоҷикистон Исломи уйғониши партияси (ТИУП) томонидан бошқарилган жангарилар отряди мамлакатнинг посткоммунистик ҳукуматида қарши курашганди.

Бу зиддият ўзаро келишув билан яқун топди. Келишув шартларига кўра, жангарилар қуролларини топшириб, тарқалдилар, ТИУП легал муҳолифат партиясига айланди, собиқ ҳарбий командирларга эса давлат лавозимларини бердилар.

Тоҷикистон ҳукумати томонидан эълон қилинган муҳтамак уюштирувчилар рўйхати қонли воқеаларни келтириб чиқарган сабаблар маҳаллий эканидан далолат беради. Хусусан, унда Бирлашган тожик муҳолифатининг марказий ҳокимиятдан чарчаган ва ҳали ҳам маҳаллий аҳоли кўмагига таяниб, уларни қуроллантириши мумкин бўлган собиқ дала қўмондонлари исмлари келтирилган.

Покистон ва Афғонистонда жойлашгани тахмин этилмиш ЎИХ аскарларга хужум ортида айнан ўзи тургани ҳақида эълон қилганидан кейин иш янада чигаллашди.

Озод Европа/Озодлик радиосининг тожик хизматига юборилган бу видеобаёнотда ўзини ЎИХ вакили Абдуфаттоҳ Аҳмадий деб таништирган киши кўрсатилган. У хужум Тоҷикистон ҳукуматининг масжидларни ёпгани, мусулмонларни қамоқхоналарга тикқани ва исломий кийимларни кийишни маън қилгани учун қасос, деб айтди.

Бу очиқ номувофиқлик, шунингдек, маълумотнинг етарли эмаслиги сабабли айримлар Тоҷикистон ҳукуматини жиноятчилар шахси бўйича ошиғич хулосалар чиқарганликда айблади.

Бошқалар эса ҳатто ҳукумат мамлакат шарқида аёвсиз махсус амалиёт ўтказилишини оқлашга ҳаракат қилиб, атайин ёлғон маълумотлар тарқатган, деган тахминни ҳам билдирдилар. Бироқ Марказий Осиё бўйича таҳлилчи Санобар Шерматова тожик расмийлари қуроли хавф борлигини “ўйлаб топганлари” ҳақидаги баёнотларга ишонини тўғри бўлмади, дея таъкидлайди. “Бундай бўлиши мумкин эмас”, - деди у.

Бир қатор таҳлилчилар ЎИХ ўзи ташкил этилган ва 1999-2000 йилларда бир неча хужумлар уюштирган Марказий Осиёда пиар қилиш мақсадида ёлғон баёнот тарқатган, дея гумон қилдилар. “ЎИХга қўйсангиз, нималар демайди, уларнинг гапи шунчаки куруқ сўз, холос, - деди “Азия Плюс” газетаси муҳаррири Марат Мамадшоев. – Аминманки, бугунги кунда Раштда чет элликлар йўқ ёки улар шунчалик камки, бу ҳақда ҳатто гапиришгаям арзимайди”.

Шунга қарамай, Шерматова ҳужум ортида маҳаллий кучлар ёки ЎИХ тургани ҳақидаги далиллар ўзаро бир-бирини инкор қилиши шарт эмаслигини қайд этади.

“Балки бу ҳақиқатан ЎИХ жангарилари бўлиши мумкин, балки бу ЎИХ билан боғлиқ жангарилар бўлиши мумкин, бироқ улар қуроллини ташламаган маҳаллий одамлардир”, - деди у.

Тожикистон куч ишлатар тузилмаларидан бирида ишловчи манба IWPRга собиқ дала кўмондонлари аввалгидек куч бўлиб қолаётганини, фуқаролик уруши даврида Бирлашган тожик муҳолифати базалари бўлган айрим шарқий тоғли ҳудудларда уларни ҳисобдан чиқариб бўлмаслигини айтди. Кўп йиллар мобайнида, деди у, ҳукумат бошқа устиворроқ масалалар билан банд бўлгани учун бунга кўз юмишни маъқул кўрган.

“Яраш битимидан кейин [1997 йил] Бирлашган тожик муҳолифатининг собиқ кўмондонларини лавозимлар, фабрикалар ва банг савдоси орқали пул ишлаш билан “сотиб олиш”га ҳаракат қилиб, уларнинг кўплаб жиноятларига кўз юмиб келади, - деди исми ошкор қилинмаслигини шарт қилиб қўйган манба. – Ўтган вақт мобайнида... шунчаки ҳокимият бордек кўрсатиларди – кундузи туман марказларида амалдорлар, милиционерлар ва ҳокимиятнинг бошқа вакиллари эҳтиёткорлик билан айланиб юрардилар, оқшом тушиши билан ҳокимият Бирлашган тожик муҳолифати жангарилари қўлига ўтарди”.



Бу вазият, деди у, 2007 йилда Хитойнинг кўмир қазиб олувчи корхонаси ишчиларига ҳужум ва гўё ҳозир Рашт водийсида жангарилар гуруҳига раҳбарлик қилаётганликда айбланаётган Аҳмадов тарафдорлари томонидан 2008 йилда ОМОН командири ўлдрилиши каби қатор нохуш ҳодисалардан кейин очилиб қолди.

Фуқаролик уруши чоғида Аҳмадов Бирлашган тожик муҳолифатининг дала кўмондони бўлган, бироқ 1997 йилдаги ярашдан сўнг унга Раштда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи лавозими берилганди. Бу Аҳмадовни қўлга олиш учун ОМОН юборилган, унинг командири эса отиб ташланган 2008 йил бошигача давом этди. (“Тожикистондаги қотиллик мамлакатнинг яқин ўтмиши ҳақида эслатди” мақоласида ўқинг).

IWPRнинг куч ишлатар тузилмалардаги манбаси ОМОН командири ўлимини текшириш шаффоф бўлмади ва расмийлар кучайиб бораётган хавф-хатарни тўхтатиш учун қарийб ҳеч нарса қилмади, дея мулоҳаза билдиради.

Бироқ 2009 йил баҳорида тоғлардаги қуролли одамлар (улар орасида Афғонистон ва Покистонда кўп йиллар юр-

ганидан кейин, афтидан, мамлакатга қайтган Мулло Абдулло ҳам бор эди) ҳақида хабарлар пайдо бўлганидан кейин расмийлар ҳаракатга тушиб қолдилар ва ҳарбий амалиёт ўтказиш тўғрисида буйруқ бердилар. Бу амалиёт чоғида номаълум вазиятда Бирлашган тожик муҳолифатининг асосий фигураси ва Тожикистон шарқида обрўли шахс бўлмиш Мирзо Зиёев ҳалок бўлди.

“Шундан сўнг расмийлар мурватларни сал қотириб қўйишга қарор қилдилар ва бу ўша заҳоти собиқ [дала] кўмондонларини хушёр торттирди. Улар яна ўз атрофига Бирлашган тожик муҳолифатининг собиқ жангариларини йиға бошладилар ҳамда ёшларни ўз сафига жалб қила бошладилар”, - дея маълум қилди IWPR манбаси.

Яқиндаги талотум туфайли юзага келган хавф, агар бунга ЎИХнинг алоқаси борлиги ҳақида рад этиб бўлмас далиллар бўлганида, янада хатарлироқ бўларди. Аскарларга ҳужумга Мулло Абдуллонинг дахли борлиги ҳақидаги ҳукумат баёноти унинг мазкур ташкилот билан бевосита алоқаси борлигига ишора қилгандай бўлади. Хабарларга кўра, Бирлашган тожик муҳолифатининг собиқ кўмондони кўп йилларни Афғонистон ва Покистонда ЎИХ билан биргаликда ўтказган. Шунингдек, асл исми Абдулло Раҳимов бўлган Мулло Абдулло ўтган йили қуролланган жангарилар билан биргаликда Тожикистон шарқида пайдо бўлгани ҳақида ҳам хабар қиладилар. (“Тожикистон тоғларидаги арвоҳ ови” мақоласида ўқинг).

IWPR манбаси Тожикистон шарқидаги қуролли жангари гуруҳлари ҳақидаги ўз ҳикоясида улар орасида, гарчи асосий роль ўйнамасалар-да, афтидан ЎИХ вакиллари ҳам бўлганини айтди.

Бирлашган тожик муҳолифати ўз гуруҳларини тарқатиш билан шуғулланган бир пайтда ЎИХ аъзолари Афғонистон шимолига ўтиб кетганлар. Покистонда ўтган кўп йиллардан кейин ЎИХ ўзлари ўрнашган янги жойдан тожикистонлик собиқ ҳарбий кўмондонлар билан алоқаларни тиклаш учун фойдаланди. ЎИХ Тожикистондаги фуқаролар уруши чоғида Бирлашган тожик муҳолифати томонида урушган ўзбек жангарилари тарафидан тузилганди. Шу ваздан, уларнинг келажаги ҳам бир.

“Бу орада қўшни Покистон ва Афғонистонда вазият кескинлашди, у ерда коалиция ва Покистон армияси Толибон ҳаракатининг жангчиларини, айнан эса – ЎИХ жангариларини йўқ қилишга ҳаракат қила бошлади, улар бўлса, Афғонистоннинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудларига жойлаша бошладилар, - дейди IWPR манбаси. – Унинг айрим аъзолари, жумладан, Мулло Абдулло гўё кўриқланадиган чегарадан ўтиб кела бошладилар. У Бирлашган тожик муҳолифати собиқ кўмондонларининг барчаси билан учрашиб, [уларни] қўлга қурол олишга чақирди”.

Яқинда қўйилга пистирмага келсак, дея қўшимча қилди у, “ЎИХнинг бу тадбирга алоқаси бор эди, бироқ унинг асосий ижрозчилари ўзимизнинг “мужоҳидлар” бўлган”.

Бўхронни ҳал қилиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндошув керак

Тожикистон шарқидаги бўхрон ҳукумат ҳал қилолмаётган ягона муаммо эмас.

3 сентябрь куни Хўжанд шаҳрида содир этилган террорчилик хуружи натижасида милициянинг икки ходими ҳалок бўлди, 25 киши тан жароҳати олди. Икки худкуш террорчи портловчи моддалар тўлдирилган автомобилни жиноятчиликка қарши кураш ҳудудий бўлими биноси ховлисига миниб кирдилар.

Гарчи ЎИХ бу воқеа учун масъулиятни ўз зиммасига олмаса-да, расмийлар портлашда мазкур ташкилотни айбламоқдалар.

Орадан уч кун ўтгач, пойтахт Душанбедаги тунги клубда содир бўлган портлаш оқибатида беш киши тан жароҳати олди. Кейинроқ милиция мазкур портлаш террорчилик хуружи бўлмаганини билдирди.

Ниҳоят, тожикистонлик чегарачиларнинг 11 сентябрь куни ўзлари томонидан Толибоннинг камида 20 аъзоси ўлдирилгани, ўз сафдошларидан эса бир киши қурбон бўлгани ҳақидаги баёноти ҳам Афғонистон билан бўлган чегаранинг ишончсиз эканидан далолат беради.

Экспертлар ҳозирча Рашт водийсида содир бўлаётган воқеалар кўлами, бунга айбдорлар ва қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида ягона фикрга келолмаяптилар.

“Америка овози” радиоси шарҳловчиси Аҳмадшон Комилзода қуролли гуруҳлар мавжудлиги реал хавф-хатар эканини айтади.

“Ҳукумат маҳаллий аҳоли билан биргаликда барча чораларни кўриб, ё бу гуруҳларни йўқ қилиш керак, ёки янада кўпроқ қон тўкилишининг олдини олиш учун улар билан битим тузиши лозим”, - деди у.

IWPRнинг куч ишлатар тузилмалардаги манбаси ҳукумат аҳоли билан тиғизроқ ишлаши зарурлигини айтади.



“Жамият Раштда ниҳоят нималар содир бўлаётганини ва унинг [жамиятнинг] жимлиги янги қонли воқеаларга сабаб бўлиши мумкинлигини англаши учун расмийлар, энг аввало, ахборот урушида ғалаба қозонишлари керак”, - деди у.

Шунга қарамай, ҳеч ким зиддиятнинг шиддатли тус олиши ёки 90-йиллардаги фуқаролар уруши қайталанишини тахмин қилаётгани йўқ.

“Холисона айтганда, мамлакатда фуқаролар учун шарт-шароит йўқ, - дейди сиёсатшунос Рашид Ғани Абдулло. – Агар 90-йилларга қайтадиган бўлсак, у пайтда уруш ҳудудий сиёсий элиталар ўртасидаги ҳокимият учун аёвсиз кураш туфайли бошланганди. Ҳозир гап ҳокимият учун кураш устида бораётгани йўқ. Балки ҳозир ҳам расмийлар ҳаракатидан норози бўлган одамлар бордир, бироқ уларни тан олишни истамайдиганлар йўқ. Бундан ташқари, жамият ҳам жангариларни қўлламаяпти”.

Лола Олимова –IWPRнинг Тожикистондаги муҳаррири.

Наргис Ҳамрбоева – IWPR тренингларида ўтган тожикистонлик мухбир

Ўзбекистон ҳукумати ишчи миграцияси мавжудлигини инкор қилмоқда

Расмийларнинг меҳнат муҳожирлиги муаммосини тан олишни истамаётгани уларни самарали ҳимоя қилиш учун асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда

Хорижда ишлаётган юз минглаб ўзбеклар мутлақо ҳимояланмаган, чунки уларнинг ҳукуматлари меҳнат муҳожирлиги муаммоси мавжудлигини тан олмайди, дейдилар ҳуқуқ фаоллари.

Ўзбекистонлик ишчилар худди қўшни Тожикистон ва Қирғизистондан бўлган мардикорлар каби сўнгги йилларда тўп-тўп бўлиб чет элга кета бошлади. Ўз ватанидаги оғир иқтисодий вазиятдан қутилиш истагида бўлган одамлар Россия ва Қозоғистонда тузуккина пул топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шунга қарамай, Тожикистон ва Қирғизистон расмийларидан фарқли равишда Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларнинг бошқа мамлакатга пул топиш учун оммавий равишда кетиш ҳодисасини (шунингдек, муҳожирлар уйга сезиларли миқдорда пул юбораётганини) тан олмайди, чунки ўзбек расмийлари мамлакат иқтисоди гуллаб-яшнамоқда, деган фикрда. Бунинг натижасида расмийлар муҳожирлар ҳақ-ҳуқуқлари топталмаслиги учун ҳаракат ҳам қилмаяптилар, уларга нафақа ва пособиялар бериш-

дан бош тортаяптилар ҳамда ўз фуқаролари чет элда ёмон муносабатга ёки ундан ҳам баттароғига дуч келган чоғда бирор чора кўрмаяптилар.

Афтидан расмийларнинг бунақа позицияда туришига муҳожирларнинг катта қисми нолегал экани сабаб



бўлмоқда, улар гўё йўқ ва шунинг учун ҳам муҳожирларни мамлакат хорижида ўлдирганларида ёки улар нохуш вазиятга тушиб қолганларида давлат бунга аралашшига ҳожат йўқ, деган мулоҳазада бўлаётдилар.

Расмийлар фуқароларнинг оммавий равишда кетиш кўламини озайтириб кўрсатмоқдалар

Ўзбекистон Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат муҳожирлиги масалалари бўйича агентлиги вакилининг сўзларига кўра, хорижда ишлаётган фуқаролар сони бор-йўғи бир неча минг кишини ташкил қилади, холос. Бироқ Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи маълумотларига кўра, аҳолиси 28 миллион кишини ташкил қиладиган республика фуқароларининг икки миллиондан беш миллионгача мамлакат ташқарисидан, асосан Россия ва Қозоғистонда, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари ва Жанубий Кореяда тирикчилик қилиб юрибди.

Ҳозирда АҚШда яшаётган ўзбекистонлик таҳлилчи Тошпўлат Йўлдошев фикрича, ишчи кучи оқими муҳожирлар томонидан ўз оилаларига юборилаётган пул жўнатмалари ҳисобига мамлакат иқтисодиётига сезиларли ҳисса қўшибгина қолмай, даражаси юқори бўлган ишсизлик юзага келтирмиш ижтимоий босимни ҳам сусайтирмоқда.



“Ҳар бир муҳожир йилига уйига камида 1500 доллардан жўнатаёпти, бу эса уларнинг Ўзбекистонда қолган оиласи учун анча катта пул, - дея изоҳ беради у. – Ўз меҳнати учун ҳақ олиш баробарида муҳожирлар янги ғоялар билан бойимқдалар, корчалонлик малакасини ҳосил қилмоқдалар ва уларнинг айримлари уйларига қайтганларидан кейин ўз бизнесини очмоқда”.

Бироқ уларнинг бу ҳиссаси тан олинмай қолмоқда. Жамоатчилик одамларнинг пул топиш учун тўп-тўп бўлиб Россияга кетаётганини эътироф этиб турган бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати мамлакат иқтисоди кундан кунга мустаҳкамланиб бораётганини урғулашдан чарчамаяпти.

1 сентябрь – Ўзбекистон мустақиллиги куни президент Ислам Каримов ўзининг мамлакат аҳолисига мурожаатида Совет Иттифоқи тарқалишидан бир йил олдинги 1990 йилдан то 2010 йилгача мамлакат ички ялпи маҳсулоти ҳажми 250% га ўсганини билдирди. Унинг сўзларига кўра, 2010 йил охирига келиб мамлакатда ўртача ойлик маош ҳажми 500 долларга тенг бўлади. Бу рақам қўл етмасдай кўринади, чунки ҳатто расмийларнинг ўзлари июнь ойи учун берган маълумотларда ўша пайтда ўртача ойлик маош, энг оптимал валюта курсидан келиб чиқиб ҳисобланганда, 200 долларни ташкил этган.

“Расмий Тошкент ҳар йили миллионлаган иш ўринлари яратилаётганини билдириб ва мамлакатда ишсизлик даражаси юқори эканини тан олмай, кўп йиллардан буён улкан иқтисодий ўсиш билан мақтаниб келади, - дейди Йўлдошев. – Айни пайтда Ўзбекистон бошқа [собиқ совет] давлатлари, хусусан, Россия бозорларига ишсиз ишчиларни етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб қолмоқда”.

Ўзбекистонда фаолият юритувчи “Эзгулик” ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти вакили Абдурахмон Ташанов бунга шундай қўшимча қилади: “Бу пропагандистик кўзбўямачилик хўжақўрсин фаровонлик манзарасини пайдо қилади. Расмийларнинг қайсарлиги туфайли меҳнат муҳожирлари ҳатто энг минимал ижтимоий кафолатлардан ҳам маҳрум”.

IWPR мавзу юзасидан маълумот олиш учун Ўзбекистон меҳнат муҳожирлиги агентлиги билан боғланган пайтда агентликнинг исмини айтишни истамаган вакили бунақа муаммо борлигини тасдиқлашдан ҳам бош тортди.

“Муҳожир оқими йўқ. Ҳаммаси ўз меъёрида кетаяпти. Миграция ҳуқуқий доирада содир бўлаяпти, - деди у телефон орқали. – Агар ноқонуний муҳожирлар бўлса, бу биз шуғулланадиган масала эмас”.

Муҳожирлар қонун ташқарисидан

Юқорида келтирилган изоҳлар қуйидаги асосий муаммони ўзида акс эттиради: Ўзбекистондан қонунга мувофиқ равишда меҳнат муҳожирлиги сифатида қайддан ўтиб чиқиб кетиш жараёни шу қадар мураккаб, шу боис фуқароларнинг кўпчилиги буни четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистондаги таҳлилчиларнинг нодавлат лигаси бўлмиш Экспертлар ишчи гуруҳи муҳожирнинг ариза бериш жараёни икки ҳафта вақт олиши ва моҳиятан даромади кам ёки умуман ишсиз бўлганлар учун ўта қиммат эканини баён қилади.

Нима бўлганда ҳам, миграция агентлиги ариза берувчи кўпчилик фуқароларга чет элдан иш топиб бериш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам кўп ўзбекистонликлар таваккал қилиб, Россияга нолегал равишда чиқиб кетмоқда, баъзан улар иш топиб бериш бўйича берилган ваъдаларни бажара олмайдиган хусусий меҳнат агентликлари хизматларидан фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида фаолият юритувчи “Нажот” ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳи раиси Ҳайитбой Ёқубов, агар бирор киши бир неча йил чет элда ишлайдиган бўлса, у хорижда қонуний ёки ноқонуний ишлашидан қатъий назар, мамлакат ижтимоий таъминот тизимидан чиқиб кетишини айтади. Совет давридан буён қарийб ўзгармаган бюрократик тизим одамлардан чет элда бўлган пайтда ололмайдиган ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилади.

“Агар бирор киши чет элда ишлаётган бўлса, у пул топиши мумкин, бироқ бунақа одамлар уйга қайтганларидан кейин улар, айтайлик, пенсия олишга умид қилмасалар ҳам бўлади, чунки улардан Ўзбекистонда ишлаганлари ва бу мамлакатга ижтимоий тўловлар тўлаганларини тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни уларда бўлмаган ҳужжатлар



талаб қилинади, - деган Ёқубов айнан шу сабабли “хатто муҳожирнинг уида вояга етмаган фарзандлар қолган бўлса ҳам, хотини болалар учун пособия ололмайд”, дея қўшимча қилади.

Ҳукумат чет элдаги фуқаролар ҳимоясига чиқиши керак

Ўзбекистонлик ишчилар Тожикистон ва Қирғизистондан бўлган муҳожирлар каби, одатда, қурилиш майдонларида, фермаларда, ўрмонларда ёки умумий овқатланиш жойларида кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлайдилар.

Йўлдошев сўзларига кўра, уларнинг кўпи кунига 15 соатлаб, ҳафтасига олти кунлаб ишлайдилар ва “одам яшаб бўлмайдиган ертўла ва бошқа жойларда ёки йил бўйи чодирларда” яшайдилар.

Нолегал ишчилар ўзлари ишлаётган мамлакат қонунлари томонидан ҳимояланмаган бўлиб, улар фақат иш берувчисининг карам-марҳаматига умид қилишлари мумкин, холос. Улар адолатсиз муносабат учун ёки иш пайтидаги бахтсиз ҳодиса учун товон пули ёхуд минимал иш ҳақи ҳам талаб қила олмайдилар. Шунингдек, муҳожирлар ўзларини депортация билан кўрқитувчи ҳуқуқ-тартибот идораларининг таҳқирига ва юлғичлигига ҳам чидашга мажбур.

“Мени ишлатадиган хўжайин учун бизнинг нолегал равишда ишлашимиз яхшироқ, - дейди Қозоғистонда ишловчи ўзбеклардан бири Шавкат Азизов. – Биз бу ерда ҳеч қанақа ҳақ-ҳуқуққа эга эмасмиз... бизни яхши боқмайдилар, бизга кам ҳақ тўлайдилар, биз билан кўпол муомалада бўладилар”.

Олмаоталик сиёсатшунос Дўсим Сатпаевнинг айтишича, “то ўзбекистонлик мардикорлар ҳақ-ҳуқуқсиз экан, улар Россияда ишлаш имконияти учун куч ишлатар тузилмалар ходимларига пул тўлашга рози бўлиб юраверадилар. Ажабланарлиси шундаки, нолегал муҳожирлар сони тобора кўпайиб бормоқда”.

Албатта, меҳнат муҳожирлар ҳақ-ҳуқуқларининг бузилиши Ўзбекистоннинг эмас, балки қабул қилувчи мамлакат муаммоси бўлиб ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистон расмийлари Москва билан ҳеч бўлмаганда легал меҳнат муҳожирларига асосий шарт-шароитларни яратиб бериш борасида келишиб олишга уринаётган Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарияти каби ўз фуқаролари ёнини олмаётгани.

Ўзбекистон миграция агентлиги Россия билан 2007 йилдан буён ўзаро шартнома борлигию бу шартнома ўзбекистонлик фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини кафолатлашини қайд этади.

Шунга қарамай, ҳуқуқ фаоллари Ўзбекистон ҳукумати меҳнат муҳожирлигининг барча жиҳатларини (иш қидиришдан то муҳожирларнинг ватанга қайтишигача) тартибга солувчи халқаро шартномалар тузишини истамоқдалар. Гап БМТнинг 1990 йилда қабул қилинган Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенцияси, шунингдек, Миграция соҳасидаги суиистеъмоллар ҳақида ҳамда Меҳнат муҳожирларини тенг имконият ва яхши муносабат билан таъминлаш ҳақидаги конвенция каби ҳужжатлар устида кетмоқда.

Хорижда ишлаётган марказий осиеликлар бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи хавфли шароитларда ишлашга мажбур бўлибгина қолмай, Россияда миллатчилар ҳужуми нишонига ҳам айланиб қолмоқдалар.

Москвадаги инсон ҳуқуқлари бюроси ўтган йил мобайнида Россияда 11 нафар ўзбек мардикори ўлдирилгани, олти ўзбекистонлик эса жиддий тан жароҳати олгани ҳақида маълум қилади. “Нажот” ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳи маълумотларига кўра эса, яна тўрт муҳожир шу йил ёзида ўлдирилган.

Россиянинг Новосибирск шаҳрида ишлаётган, ўзини Баҳром деб таништирган муҳожир IWPРга кейинги пайтда ўзбек муҳожирларининг ғойиб бўлиб қолиш тенденцияси тобора кучайиб бораётгани ҳақида гапириб берди. Йўқолиб қолган кишиларнинг қариндошлари бунақа ҳолатда кўпинча маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қиладилар, аммо бу фойда бермаяпти.

Ёқубов сўзларига кўра, меҳнат муҳожирларининг ўлдирилиши ёки йўқолиб қолиши бўйича ўзбек расмийлари кўпинча текширув ҳам олиб бормаяптилар.

Унинг ишонишича, агар Ўзбекистон ҳукумати амалдорлари россиялик ёки қозоғистонлик ҳамкасбларига бу ҳодисаларни текшириш ҳақида илтимос билан мурожаат қилганларида эди, бу ишлар бўйича жиноий ишлар кўзғатиш эҳтимоли кўпроқ бўларди. Бироқ у ўз тажрибасига таянган ҳолда бунақа ҳолат мутлақо кузатилмаётганини айтади.

“Ўзбекистон Бош прокуратурасида меҳнат муҳожирлари билан ишлаш бўйича бўлим бор ва биз уларга йўқолиб қолган муҳожирларни қидириш бўйича чора кўриш илтимоси билан юзлаб хатлар жўнатдик. Афсуски, бугунги кунда прокуратура ёки бошқа давлат агентлиги йўқолганларни қидириш бўйича ёрдам бергани юзасидан бирорта ҳам мисол келтира олмаيمان, - дейди Ёқубов. – Улар бизга қарийб ҳеч қачон жавоб бермаганлар. Фақат бир марта улар нолегал муҳожир мамлакатни тарк этаётган пайтда расмийларни огоҳлантирмагани учун ҳеч қанақа ёрдам беролмасликларини айтиб, жавоб қилган бўлдилар”.

Муҳожирлар хорижда ноҳуш ҳодисага дуч келган пайтда расмийлар уларга фаол ёрдам беришини иташ билан бир қаторда Ёқубов муҳожирлар Ўзбекистондан кетгунча уларни ҳимоя қилиш бўйича мамлакатнинг ўзида

қатор тадбирлар амалга оширилиши лозимлигини айтади. Масалан, муҳожирлар учун уларнинг маоши ҳамда фавқулодда харажатларни қоплаш учун пул ўтказиб туриладиган банк ҳисоб рақамлари очилиши каби.

“Агар бу муҳожирлар қонуний (легал) иш топганларида, бу ҳақда элчихонага маълум бўларди ва улар Ўзбекистон

ҳукуматига ижтимоий тўловлар тўлаб турган бўлардилар, расмийлар эса уларнинг яшови билан кўпроқ қизиққан ва [улар йўқолиб қолган тақдирда] уларни қидириш учун пул топган бўлардилар”, - деди у.

Шоҳида Сарварова ва Камилла Абдуллаева – Ўзбекистондаги журналистлар таҳаллуси..

ҚОЗОҒИСТОН



Янги қонун ахборот олиш имкониятини енгиллаштиришга қаратилган

Бундан буён амалдорлар бирор-бир ҳужжатга “махфий” тамғаси урилгани ёки қонунни билмасликларини баҳона қилолмайдилар.

Қозоғистонда кўриб чиқиладиган янги қонунчилик фуқароларнинг оммавий ахборот олиш имкониятини енгиллаштириб, бу тизимни янада шаффофроқ қилиши мумкин.

Оммавий ахборот олиш имкониятлари тўғрисидаги қонунчилик бўйича жамоатчилик тингловлари Қозоғистоннинг турли ҳудудларида август ойида бўлиб ўтди. Сентябрь ойи охирида бўлиб ўтадиган анжуман олинган тавсиялари бўйича хулоса ясаб, уларни қонунчиликка қўшимча сифатида киритиш учун Алоқа ва ахборот вазирлигига тақдим этади. Келаси йил қайта ишловдан сўнг қонунчилик парламентга тақдим этилади.

Қонунчиликни ишлаб чиқиш ташаббускори ҳамда жамоатчилик вакиллари фикрини ўрганиш бўйича инновацион ғоя муаллифи сифатида БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) Қозоғистон офиси чиқди. Натижалари бўйича дастлабки қонунчилик ишлаб чиқилган муҳокамада маҳаллий фуқаролик ташкилотлари ва Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ташкилотлар, жумладан, IWPR фаол иштирок этди.

Мазкур қонунни қабул қилиш заруратини марказий ҳукумат билан бир қаторда нодавлат ташкилотлари ҳам англаб етмоқдалар. Йиллик умуммиллий мурожаатида мамлакат президенти Нурсултон Назарбоев давлат идоралари ишининг янада шаффофроқ ва ҳисоботли бўлишига чақирди.

Қозоғистондаги турли давлат муассасалари одатда ўз ишларини очиқ муҳокама қилиш ва ҳисоб бериш бўйича саволлардан бош тортиб келадилар.

Оддий фуқаролар, гўё ғиштин деворга дуч келгандай, ахборотни тўсиксиз олишга бўлган имкониятлари учун курашмасликка ҳаракат қиладилар.

Янги қонунчилик юзасидан тавсиялар ҳукумат идораларига ахборот бериш бўйича муддатни қисқартириш, материални шубҳали асосда яшириш имкониятини йўққа чиқариш учун “махфийлик” тушунчасига аниқ таъриф иш-

лаб чиқиш ҳамда ахборот олиш учун оғзаки сўровлар қайд этилиб, худди ёзма сўров каби назорат қилинишининг кафолатланиши кабиларни ўз ичига олиши мумкин.

Бундан ташқари, шаффофлик принциплари ёки Қозоғистон Конституциясида келтирилган асосий ҳуқуқларга зид бўлган бошқа қонунларга ҳам тузатишлар киритишга тўғри келади. Ҳозир амалдорлар ахборот олиш имкониятга бўлган ҳуқуқни чеклайдиган қонунчиликнинг турли моддаларини баҳона қилишлари мумкин.



Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ташкилот бўлмиш “Интерньюс-Қозоғистон” юристи Гулмира Кужукееванинг IWPRга айтишича, ҳозирги кунда ахборот олишга бўлган имкониятларнинг барча жиҳатларини қамраб оладиган бирор-бир меъёрий ҳужжат йўқ. Бунинг ўрнига кўплаб қонун, қарор ва инструкциялар мавжуд.

“Ахборот олиш имкониятлари борасидаги масала фуқаролар билан бир қаторда журналистлар учун ҳам долзарб бўлиб турган”, - дейди Кужукеева.

Амалдорларга маълумот бериш бўйича илтимос билан мурожаат қилганларида, дейди у, улар очикдан-очик буни бажаришдан бош тортишлари, ахборот махфий ёки олиш имконияти бўлмаган ахборот эканини таъкидлаб, тўла жавоб бермасликлари ёки сўровга жавоб бериш учун ваколатли бўлмаганларини айтишлари мумкин.

Буларнинг барчаси оддий фуқароларнинг бирор-бир иш қилишда иложсизликларини ҳис қиладиган муҳит яратди, дейди у.



Раддия юзасидан шикоят қилмоқчи бўлганлар ойлаб куттишлари ва иш муваффақиятли ҳал бўлиши учун кафолатларга эга бўлмасликлари мумкин. Сўнги йиллар мобайнида журналистларнинг рад жавоби юзасидан қилган ўнлаб шикоятдан атиги иккитасигина қондирилди.

Олмаоталик юрист Игор Лоскутов аксар ҳолларда “махфийлик” тушунчаси маълумотни яшириш учун қўлланишини айтади.

“Масалан, Қозоғистонда база ва газеталарда президенти-мизнинг Қозоғистон фуқаролигини қабул қилиш ёки ондан маҳрум бўлиш бўйича фармонларини топишнинг имкони йўқ”, - дейди у бундай ҳужжатларда ҳеч қандай махфийлик йўқлигини таъкидлар экан.

Лоскутов ахборот тўғрисидаги қонун, агар қонунчилик талаблари бажарилишини кафолатлаш ва уни бузаёт-

ган давлат институтларини жазолаш бўйича чоралар қўрилган тақдирда, давлат маблағларини ўзлаштириш бўйича жамоат назоратини рағбатлантириш учун таъсирли восита бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Шарҳловчилар технологик тараққиёт имкон бериб турган бир пайтда Қозоғистон эркин ахборотга талаб ошиши бўйича жаҳондаги тенденциядан ортда қолмаслиги керак, деган фикрга қўшиладилар.

“Журналистларга газета, телевидение, радиода муайян маълумотларни ёйинлашни таъқиқлаб қўйган тақдирларида ҳам истаган кишилар бундай маълумотлар билан бошқа муқобил манбалар, жумладан, Интернет орқали танишишлари мумкин”, - дея таъкидлайди Кужу-кеева.

Қонунни ишлаб чиқиш ва кейинги консультацияларда ёрдам берган БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси менежери Алия Дуганова бугунги кунда асосий принцип одамлар оммабоп ахборотни сабабини изоҳламаган ҳолда олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлишларида акс этишини айтади.

Пировардида, деди у, “мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши матбуот ва Интернет орқали фуқаролар эътиборига ҳавола қилинаётган ахборот кўламини оширади, деб ўйлайман. Янги қонун одамлар онгига таъсир қилиш билан бир қаторда Қозоғистондаги ахборот олиш имконияти ва инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан боғлиқ вазиятга ҳам таъсир қилади”.

Ярослава Науменко, IWPR тренингларида ўтган қозоғистонлик журналист

Қозоғистонни инсон ҳуқуқлари борасида ЕХХТ ролени чеклашда айбламқдалар

Ҳуқуқ ҳимоячилари Қозоғистоннинг ЕХХТ раиси сифатида биринчи ярим йилликда олиб борган ишлари натижаларидан ҳафсалалари пир бўлди

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Қозоғистон раислигида ўтган биринчи ярим йиллиги мамлакатни аввалгидан кўра демократикроқ ўлкага айлантиргани йўқ, дейишади ҳуқуқ ҳимоячилари.

Ҳуқуқ ҳимоячилари йўғилиш, виждон ва сўз эркинлиги соҳаларидаги вазият ҳатто аввалгидан кўра ёмонлашганини таъкидламоқдалар.

Улар, шунингдек, ҳуқуқий масалалар аҳамиятини камайтириб кўрсатаётган ва ўз диққатини минтақавий хавфсизлик масалаларигагина қаратаётган Қозоғистон ЕХХТ раиси сифатида ташкилотнинг ўзи белгиланган стандартларини пасайтириб юборганидан огоҳлантирмоқдалар.

ЕХХТнинг “кишилиқ ўлчовлари” бўйича анжуманида Қозоғистон ташқи ишлар вазири ва ЕХХТнинг амалдаги раиси Қанат Саудабаев ўз мамлақати ютуқларини санаб ўтди.

“Бугунги кунда Қозоғистонда демократия ва фуқаролик жамиятининг асосий институтлари охиригача шаклла-

ниб бўлди, демократик сайлов тизими, мустақил суд тизими яратилди, оммавий ахборот воситалари эркин фаолият юритмоқдалар, сиёсий партиялар ва (нодавлат) жамоатчилик бирлашмалари тараққий қилдилар”, - дея қайд этди Саудабаев.

10 июн кунни Копенгагенда бўлиб ўтган учрашувда иштирок этган қозоғистонлик ҳуқуқ фаоллари мамлакатда вазир айтган мусбат ўзгаришлар сезилмаётганини билдириб, унинг сўзларини танқид остига олдилар.

Хавотирга сабаб бўлган асосий масалаларни Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бўйича халқаро бюро ижрочи директори Роза Ақилбекова келтириб ўтди. Мазкур бюро раҳбари Евгений Жовтис айни пайтда қамоқда.

Ақилбекова сўзларига кўра, сиёсий партиялар ташкил этиш бўйича процедура ёпиқлигича қолмоқда ва моҳиятан расмий рухсатни талаб қилади, парламент муҳокамасида бўлган янги қонунчилик эса рухсат этилмаган жамоатчилик йўғинлари ўтказганлик учун жазо сифатида жарима ёки қўлга олишни назарда тутади.

Шунингдек, эътиқод эркинлиги мамлакатга таширф буюраётган миссионерларга нисбатан жорий қилинган янги қоидалар ва диний йиғилишлар ўтказилаётган жойларда доимий полиция рейдлари ўтказиш кабилар билан чекланди.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳақида гапирган Ақилбекова, газеталар мусодара қилиниши мумкинлиги, матбуот ва телерадиокомпаниялар ёри-таётган воқеалар ҳукуматга нисбатан ўта танқидий ҳисобланаётгани учун ёпилаётганини айтмоқда.

Қонунчиликка яқинда киритилган тузатишлар туҳмат учун жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ вазиятни ўзгаришсиз қолдирди.

“Қозоғистонда сўз эркинлиги билан боғлиқ вазият бундан ўн йил аввалги вазиятдан анча ёмонроқ”, - деди IWPRга “Журналистлар хавф остида” жамғармаси раҳбари Розлана Таукина. – Дунё ҳамжамияти Қозоғистонда сўз эркинлиги бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ барча далиллар билан таниш эмас, аммо у бу соҳада мавжуд далилларга ҳам мурасасозлик билан муносабатда бўлиб, Қозоғистоннинг ўз бўйнига олган демократик мажбуриятларини бажаришига таъсир этиш учун маълум бир принциплар ҳаракатларни амалга ошираётгани йўқ”.

Қозоғистон ҳукумати ЕХХТга раислик қилиш учун ариза бериш пайтида, у хусусан, мамлакатда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар билан боғлиқ вазиятни яхшилашга ваъда берганди. Қозоғистон ЕХХТга раислик қилиш бўйича ўтувчи ўрнини қўлга киритиш учун уринишларни 2003 йилдаёқ бошлаганди ва бу йўл текис бўлган, деб бўлмайди. Ташкилотнинг айрим аъзолари, айниқса Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия мамлакатда сайловлар демократик ўтмаслиги, сўз эркинлиги чекланиши, оммавий ахборот воситалари ҳукумат томонидан моҳиятан монополиялаштирилгани, сиёсий рақибларга нисбатан ножиоз муносабат ва бошқа масалалар юзасидан мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қозоғистон раис ролига мос келишига шубҳа билдиргандилар.

Экспертлар Қозоғистонни ЕХХТга аъзо давлатларда демократия ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ташкилот мажбуриятларига етарлича эътибор бермаган ҳолда ташкилот диққатини фақат хавфсизлик ва зиддиятларни бартараф қилиш масалаларига қаратиш учун раислик ўрнидан фойдаланаётганликда айблайдилар.

Ташқи ишлар вазири Қанат Саудабаев Қозоғистон раислик ўрнини қўлга киритган жорий йилнинг январ ойида асосий эътибор Афғонистон ва Тоғли Қорабоғда бўлгани каби зиддиятларни бартараф қилишга қаратилишини қайд этиб, бу устивор йўналишлар юзасидан изоҳ берганди.

Ўшандан буён Саудабаев Қорабоғда ҳали-ҳамон давом этаётган зиддиятга чек қўйиши мумкин бўлган музокаралар ўтказиш имкониятини муҳокама қилиш учун Арманистон ва Озарбайжон раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Раис, шунингдек, Афғонистондаги наркотик савдосига қарши кураш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун Кобулга ташриф бурди.

Аммо етакчи сиёсатшунос Дўсим Саптаев Қозоғистон бу каби мураккаб зиддиятларни ҳал қилиш учун кўп нарса қила олишига шубҳа қилади.

“Қозоғистон ташқи сиёсатда муайян фаоллик кўрсатаётти, аммо у реал таъсир воситаларига эга эмас”, - дейди Саптаев. Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталар экан, у “ЕХХТ буни ҳал қилолмаслигини ва Қозоғистоннинг ўзи ҳам чекланган имкониятларга эга эканини ҳамма тушунади”, деди.

Аснода Қозоғистон томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича ўтказилган ягона арзирли тадбир июнь ойи охирида Остонада ўтказилган Толерантлик ва камситмаслик бўйича ЕХХТ анжумани бўлди.

Саптаев фикрича, Қозоғистоннинг ЕХХТга раислик қилиши мамлакат ички тараққиёти учун ҳеч қандай жиддий ўзгаришлар киритмади.



“Буларнинг барчаси кўпроқ сиёсий пиарни эслатади ва бу тадбирнинг асосий вазифаси ЕХХТ саммитини Остонада ўтказиш, деган мулоҳаза пайдо бўлади”, - дейди у.

Исми ошкор қилинишини истамаган ЕХХТдаги манбанинг IWPRга айтишича, раисликнинг Қозоғистонча йўсини ижобий намуна бўлолмади ва бу каби ташкилотни бошқариш учун зарур бўлган демократик стандартлар даражасини пасайтириб юборди.

“ЕХХТга осон бўлмайди, чунки Қозоғистон раислигидан кейин бўлажак раислар бошқа (янада пастроқ) мезонларни қўллашларига тўғри келади, - деди у. – Қозоғистонда йил бошидан буён демократия соҳасидаги вазият сезиларли даражада ёмонлашди ва бунга, афтидан, Қозоғистоннинг ҳозирги роли сабаб бўлди”.

Андрей Гришин, Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш халқаро бюроси ходими.

ҚИРҒИЗИСТОН



Қирғизистонликлар хориждан полиция кучлари киритилиши ҳақида турлича фикрдалар

ЕХХТ полиция кучлари киритилишига қаршилар орасида сиёсатчилар ва ўз манфаатларига эга шахслар бор

Июнь ойи бошида Қирғизистон жанубида содир бўлган этник тўқнашувлардан кейин у ерга халқаро полиция кучларини киритиш бўйича режалар бу ташаббус ташқи аралашув учун “яшил чироқ” сифатида кўрилиши мумкин, деб ҳисоблаган кишилар норозилигига сабаб бўлди. Бир қатор таҳлилчилар бу ҳодисага нисбатан муносабатни сиёсий кураш инъикоси, деб ҳисоблайдилар.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар 22 июль куни бир овоздан Қирғизистонга 52 кишидан иборат полиция консултиватив гуруҳининг киритилиши учун овоз бердилар. Гуруҳ мамлакатда жойлаштирилиши учун Қирғизистон ҳукуматининг якуний қарори керак бўлади. Бу қарор август ойи охирида чиқарилиши керак, шундан сўнг полиция консултиватив гуруҳи Ўшда жойлашиш билан шуғуллана бошлайди. Улар тўрт ой мобайнида бўладилар ва Қирғизистон раҳбарияти бу ҳақда алоҳида талабнома юборган тақдирдагина бу ҳозирлик муддати чўздрилиши мумкин.

ЕХХТнинг қарори Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод шаҳарлари ҳамда уларнинг чеккаларида июнь ойида қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида содир бўлган этник тўқнашувлардан бир неча кун ўтгач, мамлакат расмийлар томонидан бўлган ёрдам муурожаатига жавоб ўлароқ чиқарилди.

Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўнги маълумотларига мувофиқ, ўша кунлари 355 киши ҳалок бўлган. Талончилик ва ўт кўйиш натижасида кўплаб уйлар, дўконлар ва бошқа биноларга зарар етди.

Консултиватив гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари бўлинмалари ишини мониторинг қилиш ҳамда уларга тартибни тиклаш ва этник можароларни камайтириш бўйича маслаҳатлар бериш билан шуғулланади. Ҳар биттасида етти нафардан полициячи бўлган олти гуруҳ, маҳаллий жамоатлар билан ишлаш учун воситачи ва таржимонлар кўчаларни кўриқлаётган милиция ходимлари билан бирга юрадилар. Полиция консултиватив гуруҳига Россия, АҚШ, Болгария, Туркия, Литва ва Финляндиядан бўлган полиция ходимлари киради.

“Полиция маслаҳатчилари холис тараф сифатида жойларда одамлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ишонч тикланишида муҳим роль ўйнайди”, - деди IWPРга ЕХХТнинг Бишкекдаги маркази раҳбарининг ўринбосари Лилиан Дарий.

Қирғизистон расмийлари ЕХХТ отрядлари асосан этник қирғизлардан ташкил топган милиция ва маҳаллий аҳоли, айниқса, ўзбеклар ўртасида воситачи вазифасини ўташини айтмоқдалар.

Қирғизистон президенти маъмурияти Ахборот-мувофиқлаштириш маркази раҳбари Фарид Ниязов IWPРга мамлакат жанубида икки жамоа ўртасида муносабатни йўлга қўйишга эришиб бўлмагани учун бундан куч зарурлиги айтди.

“Мамлакат президенти маҳаллий амалдорлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари маҳаллий аҳоли билан алоқа ўрнатиши ҳамда аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида оқори даражадаги ишончли таъминлаши ҳақидаги масалани аллақачоноқ кўйган, - деди у. – Афсуски, бунга эришиб бўлмади”.

Полиция гуруҳларини киритишга қаршилар ичида Қирғизистон жанубидаги маҳаллий амалдорлар, шунингдек, июлт ойи ўрталарида Бишкек ва бошқа аҳоли пунктларида бир неча намойишлар уюштирган “Қирғизистон эли ташқи кучлар киритилиши қарши” номли фуқаролик ҳаракати бор.

Улар ташқи ҳозирлик вазиятни мураккаблаштириш, маҳаллий милиция обрўсини тушириши мумкин, шунингдек, бу ҳозирлик номаълум муддатга чўзилиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқдалар.

“Қирғизистон эли ташқи кучлар киритилиши қарши” фуқаролик ҳаракати ташкилотчиларидан бири Айбек Саипов ЕХХТ кучлари ҳозирлигига зарурат йўқ, деб ҳисоблайди.

“Вазият кундан-кунга барқарорлашмаяпти. Халқ ва ёшлар бориб, милиционерларга ёрдам беришга шайланиб турибдилар”, - деди у.

Саипов ўз ҳаракати ортида бирор-бир сиёсий гуруҳ турганини рад қилади.

Намойиш чоғида норозилар қўлларида “Бу мамлакатни Косового айлантирилишига йўл қўймаймиз” ёзувли плакатларни кўтариб турганлар, бу эса уларнинг “Қирғизистон жанубидаги ўзбеклар хорижий ҳозирликдан мухторият ташкил этиш талабларини қўйиш учун фойдаланиши мумкин” деган фикрларини акс эттиради.

Улар бу ерда аввал Сербиянинг бир қисми бўлган Косовонинг албан мустақил давлатига айлангани билан боғлиқ вазият билан умумий жиҳатлар кўрадилар.

Сиёсатшунос Марс Сариев бу хавотирларда асос бор, деб ҳисоблайди ҳамда ЕХХТ полицияси ўзбек озчилигига ҳомийлик қилиши ва ўзбеклар ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида маълумот бериши мумкин, дея тахмин қилади. Унинг тахминича, ўзбек диаспораси ҳам буни чайқов

қилиб, вазиятни алангалатади. Ўшанда полициячилар юқоридагиларга ўзбеклар қанақадир мухториятга эга бўлишлари мумкин эди, дея етказишлари мумкин.

IWPR бу саволлар билан ЕХХТнинг Венадаги штаб-квартирасига мурожаат қилди ҳамда ЕХХТ полиция кучларини киритиш имконияти Қирғизистон ҳукумати талабномасига кўра қўриб чиқилди ва полиция консультатив гуруҳи вазифаси “жамоалар ўртасида алоқаларни тиклаш ва умумий келажак учун зарур бўлган барқарорлик ва ишончли яратиш ҳаракатларига кўмаклашиш” бўлиб ҳисобланади, мамлакат келажакнинг қандай бўлиши эса унинг лидерлари ва фуқароларига боғлиқ, деган жавоб олди.

Бошқа таҳлилчилар эса мамлакат суверенитети тақдири ҳақида жиддий хавотирлар бор бўлган тақдирда муҳолифатнинг бир қисмини ўз режалари ва манфаатларига эга бўлган гуруҳлар бошқаради, демоқдалар.

Уларнинг айримлари, масалан, Қирғизистон жанубидаги амалдорлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ЕХХТ полиция кучларини ўз ҳокимиятига нисбатан уруш эълон қилиниши ўлароқ қабул қилмоқдалар. Бу орада айрим сиёсий партиялар юзага келган вазиятдан октябрь ойига белгиланган парламент сайловларидан олдин “ўзини кўрсатиб олиш” йўли сифатида фойдаланмоқдалар. “Масала... ҳаддан зиёд сиёсийлаштириб юборилган, - деди Бишкекдаги “Полис Азия” таҳлилий маркази эксперти Павел Дятленко. – Кўп сиёсий кучлар парламент сайловлари арафасида бу масалани сунъий равишда шишириб, шу орқали очко ишлаб олишга уринмоқдалар. Айрим сиёсатчилар учун бу масала ахборот фазосида ўзини намоён қилиш учун жуда қулай бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас”.

“Қилим шами” ташкилотидан бўлган таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Азиза Абдирасулова ЕХХТ кучлари киритилишига қарши бўлганлар бир неча гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳ бу воқеадан яхши хабардор бўлмаган ва агар полиция кучлари бу ерга келса, улар мамлакатни ишғол қилади, деб ўйловчи кишилар; иккинчи гуруҳ - вазиятга [эўравонликка] алоқадор кишилар бўлиб, улар ўзларининг ноқонуний ишлари юзага чиқиб қолиши мумкинлигидан қўрқаяптилар; учинчи гуруҳ – вазиятдан фойдаланиб, қўлга олинганлардан пул ундираётган, пора олаётган, сохта жиноий ишлар очаётган ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим ходимлари”, деди.

Қирғизистон Ички ишлар вазири Қубатбек Байболов бу борадаги қайноқ баҳсларнинг фактларга кўп ҳам алоқаси йўқлигини айтди.

Қирғизистондаги партиялар коалиция тузишга киришдилар

Президент ҳали расман коалиция тузишни таклиф қиладиған партияни танламасидан туриб парламент кўпчилигини ташкил этиш бўйича музокаралар бошланди.

Қирғизистондаги парламент сайловлари мутлоқ ғолибни аниқлаб бермади. Дастлабки натижаларга кўра Жўғўрку Кенешдан ўрин олган беш партия зудлик билан кейинги бош вазирни кўрсатадиған ҳукмрон коалиция тузиш

“Бу сиёсий курашдан, унинг бўлажак сайловлар олдидан воситасидан бошқа нарса эмас”, - дея иқтибос келтиради Байболовдан Қирғизистон телеграф агентлиги (ҚирТАГ).

Қирғизистон жанубидан бўлган икки журналист фикрича, ЕХХТга қарши кайфият кучайганга ўхшамайди. Улардан бири жанубдаги вазият унча барқарор бўлмагани учун ҳатто ўз исмини айтишни ҳам истамади.

Ўшлик мухбирлардан бири шаҳарлик ўзбеклар маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларига ишонмаганлари учун бу режани қўллаётганларини айтди. Полиция консультатив гуруҳи киритилишига қарши норозилик намоийши гувоҳи бўлган бошқа журналист эса бу тадбирда бор-йўғи 700 га яқин киши иштирок этганини айтди.

Мен кўпроқ бу уюштирилган тадбир, деган ўйдаман. Улар ЕХХТ полиция гуруҳлари киритилишига қарши бўлганлар томонидан сунъий равишда уюштирилган, - деди у. – Менимча, аҳолининг ҳозир ЕХХТ билан иши йўқ. Уларни ҳозир кўпроқ маиший масалалар – бузилган уйларни тиклашу миллатлараро масалалар ташвишга солаяпти”.

Хавфсизлик масалалари бўйича эксперт Леонид Бондарец ЕХХТ полиция гуруҳида одам жуда оз, унинг салоҳият доираси эса вазиятга таъсир қилиш учун ҳаддан зиёд чеklangан, дея қайд этади.

“52 кишидан иборат бу гуруҳ фақат ахборот йиға олади, холос”, - деди Бондарец икки жамоанинги ўзаро айбловларини йиғиш билан банд бўлиш баробарида Полиция консультатив гуруҳи фақат икки ўртадаги адоватни сусайтириш ўрнига баттар кучайтириб юборади, деган тахминни илгари сураркан.

Бироқ Абдирасулов айрим фуқаролар милицияни шафқатсиз ва ишончсиз, деб ҳисоблаган бир шароитда ЕХХТ кучлари ишонч муҳитини тиклашга реал ҳисса қўшиши мумкинлигини айтди.

“Агар ЕХХТ полиция кучлари келса, милиционерлар ўз мажбуриятлари қонунга кўра бажаришлари ва уни бузмаслигига: қўлга олинганларни дўппосламаслигига, адвокатларнинг қўлга олинганлар олдига киришга рухсат беришига, зарур пайтда уларга тиббий ёрдам кўрсатилишига ва қўлга олинганнинг қариндошига у ҳақда хабар беришларига умид бор”, - деди у.

Тимур Тўқтўналиев, IWPR тренингларида ўтган бишкеклик журналист.

бўйича музокараларга киришиб кетди.

10 октябрдаги сайловлар анча тинч ўтди, бу жорий йил апрелида президент Қурмонбек Бакиев ўз лавозимини мажбуран ташлаб кетганидан ва 400 дан зиёд киши ҳалок бўлган июнь ойидаги тўқнашувлардан кейин мамлакатда кузатилаётган сиёсий беқарорлик эътиборга олинса, шубҳасиз ютуқдир.

Сайловлар ўтказиш жараёнининг ўзи камдан-кам ҳолларда бўлганидек, халқаро шарҳловчиларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди, улар умуман олганда сайловлар эркин ва адолатли ўтганини қайд этдилар.



“Сўнгги бир неча ҳафта Қирғизистон плюрализм, сайловларнинг мустақил равишда уюштирилиши ва асосий эркинликлар ҳурмат қилиниши кузатилган сайловлар ўтказишга қодир эканини кўрсатди”, - дея қайд этди ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг сайловларни кузатиш бўйича узоқ муддатли миссияси раҳбари Корин Ёнкер.

24.кг янгиликлар агентлигининг хабар қилишича, 13 октябрь куни ўтказилган матбуот анжуманида Қирғизистон адлия вазири Аида Салаянова бундан буён нима қилиниши ҳақида изоҳ берди: партияларнинг бирортаси ҳам мутлақ кўпчилик овозини қозонолмагани учун ўтиш даври президенти Роза Ўтунбаева уларнинг бирига коалиция тузиш илтимоси билан муурожаат қилади.

Агар битта партия муваққат ҳукуматда кўпчилик блокинн туза олса, президентга розилик бериш қолади, холос, шу важдан ҳам парламентдан ўрин олган беш партия аллақачон музокараларга киришдилар.

Коалиция тузишнинг икки асосий варианты мавжуд. Улардан бири коалицияда сайловда қарийб 9 фоиз овоз олиб, парламентдаги 120 ўриндан 28 тасига эга бўлган “Ата-Журт” партиясининг коалицияда иштирок этишини назарда тутлади.

“Ата-Журт” Қирғизистон жанубида сайловчиларнинг сезиларли қўлловини қозонолган ва ўзини “миллатпарвар-ватанпарвар”лар партияси деб номлайдиган янги сиёсий куч бўлиб, айни пайтда у миллатчилик қарашлари асосида иш юритишига оид айбловларни рад этади.

Иккинчи вариант сайлов натижаларига кўра иккинчи ва бешинчи ўринни олган Қирғизистон социал-демократлар партияси (26 мандат) ва “Ата-Мекен” партияси (18 мандат) вакилларининг блок тузишидир. Бу партияларнинг иккаласи ҳам апрель ойида қулатилган президент Қурмонбек Бакиев ўрнига келмиш муваққат маъмурият билан тигиз алоқада. Бу партиялар аъзолари бутун мамлакат бўйлаб ҳокимиятларда бир қатор асосий лавозимларни эгаллаб турибдилар.

Талаб қилинган мутлақ кўпчиликка эга бўлиш учун бу гуруҳларнинг ҳар бири қолган бошқа партиялар – сайловда учинчи ўринни олган “Ар-Намис” (25 ўрин) ва “Республика” (23 ўрин) партиялари қўлловига эга бўлиб, ўз аъзолари сонини кўпайтириши керак бўлади.

Етакчи сиёсатшунос Марс Сариев “Ата-Журт” ва “Ар-Намис” коалициясининг социал-демократлар ва “Ата-Мекен” коалицияси билан рақобат қилишини тахмин қилади.

“Бу икки гуруҳ “Республика” учун кураш олиб борадилар, чунки вазирлар маҳкамасини шакллантириш учун уларга учинчи партия керак бўлади”, - деди у.

Сиёсатшунос Валентин Богатирев мазкур икки блокдан ташқари “яна бошқа, мутлақо экзотик коалициялар бўлиши мумкин, шунингдек, агар партиялар лавозимлар тақсироти бўйича ўзаро келишиб олсалар, учтадан кўпроқ партиялардан тузилган коалициялар ҳам бўлиши мумкин”, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, дейди у, айрим партиялар мамлакатда электр энергиясида тез-тез узилишлар бўлиб турадиган қиш мавсумида янги ҳукуматнинг салбий фаолияти билан боғланмаслик учун коалиция тузиш жараёнига аралашмасликлари мумкин.

“Бунинг ўрнига улар 2011 йил охирида бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари олдидан ўз позицияларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар”, - дейди Богатирев.



Воқеалар ривожн бўйича вариантларнинг кўплиги 2010 йил июнида миллий референдум натижаларига кўра маъқулланган янги Конституциянинг қабул қилиниши ҳосиласи бўлиб ҳисобланади.

Янги Конституция аввалги икки режимда кузатилгани каби Қирғизистоннинг аста-секинлик билан авторитар бошқарувли давлатга айланиб қолиши олдини олиш учун парламентга катта ваколатлар берди, президент ваколатларини эса камайтирди.

Эндиликда, ҳокимият қонун чиқарувчи бутуққа ўтганидан кейин бирорта ҳам партия натижаларни ўз фойдасига ўзгартириб ололмайди. Конституцияга мувофиқ, парламентдаги ўринлар 90 тадан 120 тага кўпайди. Ва бу сайловларда аввалда бўлмагандек кўп – 29 та партия иштирок этди.

Марс Сариев фикрича, сайлов натижалари асосий сиёсий кучлар эндиликда парламент ташқарисида эмас, балки унинг ичида эканидан далолат беради ва бу барқарорликка умид қилишга имкон беради. Айримлар “Ата-Журт”ни Бакиевнинг “шотир”и эканликда ва у собиқ президентни Беларусдан қайтаришга уринаётганликдан айблаётган бир пайтда (партиянинг ўзи бунақа таъкидларни рад этади), Сариев бундай бўлади, деб ҳисобламайди.



“Бу жойлашув Қирғизистон сиёсий харитасининг реал спектрини кўрсатиб турибди... Мен парламентга киролмай қолган партиялар вазиятни кескинлаштира оладилар, деб ўйламайман, чунки вазиятга таъсир қилиш учун реал имкониятга эга бўлган асосий ўйинчиларнинг ҳаммаси парламентга ўтди”, - деди у.

“Энди сара шахсларнинг норасмий келишувлари ўтказилади; улар муроса ҳақида, манфаатлар мувозанати ҳақида, маъмурий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳақида ўзаро сўзлаша бошлайдилар. Бакиевнинг реванши ҳақида эса гапиришга ҳам арзирмайди, деб ўйлайман”, - дея қўшимча қилди Сариев.

Москвадаги Карнеги марказининг Марказий Осиё бўйича эксперти Алексей Малашенко ҳозирда сайланган партия-

лар парламент деворлари ичида ҳокимият учун кураш билан чекланишлари лозимлигини айтади.

“Партия лидерларининг ҳавоси жуда баланд. Муроса қилиш жуда қийин бўлади, аммо муросага келиш шарт, чунки улар муросага келолмасалар, барчага бирдек ёмон бўлади, - деди у. – Ҳозир ҳокимият учун кураш бошланади. Агар бу кураш парламент ичидаги баҳслар шаклида бўлса, жуда соз. Бу [Қирғизистонда] парламентаризмнинг унча осон бўлмаган биринчи босқичидан муваффақият билан ўтилганини аниқлатади”.

Сиёсий жараёндаги муҳтамаал тақсимот ҳақида гапира туриб, Малашенко: “Мен қирғиз миллатчилиги бўлишига ишонмайман, аммо бунақа тенденция бор ва уни назардан соқит қилиб бўлмайди. Шунингдек, бирор-бир шахснинг шимол-жануб қартасини ўйнамаслиги ҳам ўта муҳимдир”.

Богатирев учун “асосий масала янги ҳукумат ишга лаёқатли бўла оладими ё йўқ, деган масаладир. Шунақа бўлиши мумкинки, бир партиядан бўлган вазир бошқа партиядан бўлган бош вазирга буйсунмаслиги мумкин. Қирғизистон учун унинг ҳозирги вазиятида бу ҳалокатлидир”.

Павел Дятленко – эксперт Центра «Полис Азия» в Бишкеке, Тимур Токтоналиев – журналист в Кыргызстане, прошедший тренинги IWPR

ТОЖИКИСТОН



Тожикистонда оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси: яна ишланадиган жиҳатлар бор

Тожикистонлик журналистлар “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги жорий қонунни ўзгартиришга қаратилган қонун лойиҳасининг кўпгина камчиликлари борлигини ва у қайта ишланишга муҳтожлигини айтишмоқда. Улар қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилишини ҳамда ўз тавсиялари қонун лойиҳаси парламентда кўриб чиқилишига тақдим этилгунга қадар киритилишини истамоқдалар.

Қонун лойиҳаси муаллифларидан бири, депутат Олим Салимзода қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида медиа-эксперт ва журналистлар тавсиялари инobatта олинганини айтади. Ҳозир ҳужжат Тожикистон парламенти ва ҳукумати ишчи кўмиталарида ўрганилмоқда, шундан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланса, уни бутун парламент муҳокамасига тақдим этишади. Балки бу сентябрь ойида, депутатлар ёзги таътилдан қайтишгач содир бўлар.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги жорий қонун 1990 йили - Совет Иттифоқи кулаб, Тожикистон мустақилликка эришишидан бир йил аввал қабул қилинган. Ушандан бери бу қонунга беш мартаба тўзатиш киритилган, аммо ҳамма қонуннинг бошдан-оёқ қайта кўриб чиқиш талаб этилишини тушунади.

Салимзоданинг сўзларига кўра, тузатишлар қонуннинг “замонавий журналистика барча талабларига жавоб бериши”га эришишга имкон беради. Журналистларнинг расмий маълумот олиш учун катта имкониятга эга бўлишлари асосий ўзгариш бўлиб ҳисобланади. Давлат идоралари журналистларнинг сўровларига расмий жавобларини аввал бўлгани каби бир ой давомида эмас, балки уч кунда беришга мажбур бўладилар. Бу амалдорларнинг жавобгарлиги даражасини ошириб, уларни оммавий ахборот воситаларидаги танқидий мақолаларга ўз вақтида реакция билдиришга мажбур қилади, дея қўшимча қилди Салимзода.

Тожикистон мустақил оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясининг раиси Нуриддин Қаршибоев янги қонун ҳақиқий илдамлов бўлади, дея ҳисоблайди ва унга ўз ташкилоти томонидан тайёрланган қарийб 90% тавсиялар киритилганини қайд этади.

Қонун ҳозирча мукамалликдан йироқ дея ҳисоблайдиган медиаташкilotларнинг бошқа ишчилари ва экспертлар унинг ижобий баҳосига тўла қўшилмайдилар.

“Қонун лойиҳасида тушунарсиз қўшимчалар шунчаки кўпки, бунда журналистни исталган жумласи учун жа-золашлари мумкин”, - дейди “Фараж” газетасининг бош муҳаррири ва Тоҷикистон Медиа Альянси бош котиби Хуршед Атовулло ва “қонунда контентга аниқ таъриф берилмаган – масалан, террорчилик ёки порнография”, дея қўшимча қилади.

Ўзининг ҳозирги кўринишида янги ҳужжат “эски қонуннинг наридани бери тузатилишидан бошқа нарса эмас”, дея ҳисоблайди Атовулло.

Унинг қўшимча қилишича, Медиа Альянс муқобил қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштирмақда.

Қонун лойиҳасидаги “давлат ва президент шаъни ва обрўсига путур етказадиган” мақолаларни нашр қилишни таъқиқловчи модда баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг ушбу қонунчилик меъё-рини олиб ташлаш бўйича қақриқларига қарамай, бу модда ўзгартирилмаган ҳолда янги қонунга кўчирилди.

Медиаюрист Фаррухшо Жунайдов, авваламбор давлат шахс эмаслиги ва шу боис унинг таққирланиши мум-кинмаслигини ҳамда Тоҷикистон Конституциясига кўра мамлакатда қонун олдида барча тенглиги сабабли пре-зидент алоҳида дахлсизликдан фойдалана олмаслиги-ни айтади.

Бу модда ҳеч қачон суд таъқиб мақсадида ишлатилма-ганини қайд этган Қаршибоев Тоҷикистон фикр эркин-лиги бўйича умумэтироф этилган халқаро меъёрларга яқинлашиши учун мазкур модданинг олиб ташланиши кераклигига қўшилади.

Салимзода у ва қонун лойиҳасининг бошқа ташаббу-скорлари қонуннинг мазкур моддасига нисбатан бўлган ўз позицияларидан воз кечмасликларини таъқидлайди.

“Биз бу моддани олиб ташламаймиз, - деди у. – У ҳеч қандай принципларга зид эмас. Биз президентни ҳурмат қилишимиз керак. Халқ у учун овоз берди, уни сайла-ди”.

“Нигоҳ” газетаси бош муҳаррири ва “ИНДЕМ” жамоатчи-лик ташкилотининг раиси Саймуддин Дустов ахборот олиш имкониятини кафолатлайдиган моддалар уларга амал қилмайдиган амалдорларга нисбатан жазо меъё-рини белгилашни кўзда тутиши кераклигини ҳамда ах-борот олиш учун йўлланган сўровлар қай тартибда са-раланиши янада батафсилроқ баён этилиши керак, дея ҳисоблайди.

Таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Нигина Баҳриева Тоҷикистон-да чет элликларнинг оммавий ахборот воситалари-га эгаллик қилиши қонунан таъқиқлангани масаласини кўтариб чиқди, бу унинг фикрича, “инсон ҳуқуқларининг анча жиддий чекланиши ҳисобланиб, мамлакат Консти-туцияси ва барча халқаро стандартларга зиддир”.

“Агар чет эл фуқароси Тоҷикистон ҳудудида доимий яшаб, солиқларни тўлайдиган бўлса, нима сабабдан у оммавий ахборот воситаси очиш ёки унга муассислик қилиш ҳуқуқига эга бўлмасин?” - деди у.

Аммо бу борада ҳам Салимзода чекинмоқчи эмас.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқлари масаласига алоқадор бўлган Баҳриева, Дустов ва бошқа экспертлар қонун лойиҳаси кейинги босқичга ўтишдан аввал янада кенгроқ маслаҳатлашув жараёнидан ўтиши керак, дея ҳисоблайдилар.

“Журналистлар, медиаташкilotлар ва фуқаролик жами-яти институтлари келажақда қонун лойиҳаси парламен-та қабул қилиниши учун депутатлар билан жуда жиддий ишлаб, уларга барча нюанс ва бошқа жиҳатларини ту-шунтириб боришлари керак”, - деди Баҳриева.

Asia-Plus газетасининг бош муҳаррири Марат Мамадшо-ев жамоатчилик тингловларини ўтказиш мутлақо реал-лигига амин.

“Биз бу амалиёт учун ҳозирмиз ва депутатлар бизнинг таклифимизга кўнсалар керак, - деди у. – Парламенти-мизни кўпинча юқоридан келган буйруқни кўр-кўрона бажаришда айблашади. Депутатларда ҳозир бунинг ак-сини исботлаш учун имкон бор”.

Жамоатчилик тингловлари ўтказилиши эҳтимоли ҳақидаги саволга жавобан Салимзода бу борада Жур-налистлар уюшмаси ва Тоҷикистон мустақил оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси билан кон-султациялар сўнгги икки йилдан буён олиб борилаётга-нини айтди.

Янги консалтацион жараён ўтказилиши ҳақидаги фик-рни рад этган Салимзода: “Қонун муҳокама босқичида турибди ва биз аввалгидек, журналистлардан таклиф-ларни қабул қилмоқдамиз”, деди.

**Аслибегим Манзаршоева, IWPR тренингларида
ўтган тоҷикистонлик журналист.**

Тожикистондаги вояга етмаган қонунбузарлар учун юмшоқроқ жазо

Янги қонун судларга ҳибсда сақлаш чорасини жаримага алмаштиришга имкон беради, бироқ кичик ёшдаги жиноятчилар жарима пулини тўлолмасликлари мумкин

Вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан енгилроқ жазо меёрлари қўлланишига қаратилган ўзгаришлар умуман олганда Тожикистонда ижобий қаршиланди. Шунга қарамасдан, қатор экспертлар қамоқ муддатининг жаримага алмаштирилиши бундай жарима пулини тўлашга қурби етадиганлар кам бўлган мамлакатда самарасиз қадам бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда.

Июнь ва июль ойларида парламентнинг икки палатаси томонидан маъқулланган ўзгаришлар судларга зўравонликсиз жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазо меъёрини жаримага алмаштириш имконини беради.



Ўзгаришлар вояга етганлар иштирокидаги ҳодисалар баробарида вояга етмаган қонунбузарларга ҳам дахлдордир. Жарималар ўғрилиқ ҳамда агар бу ўз ортидан жиддий зиён ёки бошқа оғир вазиятларни келтириб чиқармаган, мол-мулкка атайлаб ва қасддан бўлмаган ҳолатда зарар етказишни қамраб олувчи жиноятлар учун ундирилади.

Вояга етмаган жиноятчилар (ҳукм ўқилиши пайтида 16 ёшдан каттароқ, аммо 18 ёшдан кичикроқ бўлганлар) унча жиддий бўлмаган қонунбузарликлар содир этганлиги учун етти йилгача ва жиддий бўлган қонунбузарликлар содир этганлиги учун ўн йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинишлари мумкин. Уларни пойтахт Душанбе яқинидаги ҳам аҳлоқ тузатиш, ҳам жазолаш функциясини ўтайдиган колонияда сақлашади.

Қонунчилик ислоҳоти Тожикистон адолатли судлов тизимини янада инсонпарварроқ қилиш ҳамда ҳибсхоналар “юкини енгиллатиш” мақсадида қабул қилинган.

Ҳуқуқий масалалар бўйича экспертлар вояга етмаганнинг қамоқда ўтириши унга нечоғли зиён келтиришини ҳисобга олган ҳолда киритилган ўзгаришлар вояга етмаганни ҳибсга олиш жазо меъёрига нисбатан муқобил бўлгани учун уларни маъқулламоқдалар.

Шу билан бирга, улар янгиланган қонунчиликдаги жиддий камчиликни ҳам алоҳида қайд этмоқдалар – Марказий Осиёдаги қашшоқ мамлакатда яшовчи вояга етмаган қонунбузарларнинг жарима тўлаш учун пул топиш эҳтимоли ўта оздир. Агар ўспирин жарима тўлолмаса, уни пенитенциар муассасага юборишади.

Аввалги тартибга кўра, суд жарима тўлолмаган шахсга нисбатан турли чекловлар жорий қилиши, аммо уни ҳибсга олиши мумкин эмасди. Энди эса суд қонунбузарларни жарима тўлашга мажбурламоқда, акс ҳолда эса, уларни ҳибсга олиниши юзасидан ҳукм чиқармоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаган қонунбузарга нисбатан жорий қилиниши мумкин бўлган максимал жарима ҳажми, қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқ икки мартаба оширилди.

Инфляция ҳисобга олинган ҳолда белгиланган муҳтамал энг катта жарима ҳажми 800 доллардан қарийб 1600 долларгача ошди.

Жарима ҳукм чиқарилган кундан бошлаб 30 кун давомида тўланиши керак ва унинг тўланиши ҳатто кейинга қолдирилган бўлса-да, у ярим йил давомида бутунлай тўланиши керак бўлади.

“Бизнинг ўлчовлар бўйича анчагина пулни ташкил қилувчи талаб қилинаётган бу жаримани тополмаган киши барибир қамоққа юборилади”, - деди “Инсон ҳуқуқлари” нодавлат ташкилоти директори Бахтиёр Насруллоев.

Насруллоев сўзларига кўра, қамоқ муддатини жаримага алмаштириш чорасиз ҳукуматнинг шу йўл орқали маълум бир маблағга эга бўлиб қолиш урунишларини эслатади.

“Мен ҳукумат бу йўлга қонунни бузган вояга етмаганларнинг ҳаётини осонлаштириш учун борган, деб ўйламайман. Биринчи навбатда, бунда молиявий омил рол ўйнаган бўлиши мумкин”, - деди у.

Адвокат Маҳмуд Салимов вояга етмаганлар содир этган жиноят учун тўланадиган жарима юридик амалиётда аввал ҳам бўлгани, аммо у пайтда жарима ўспириннинг мустақил равишда топган даромади бўлсагина белгиланганини айтди.

Тожикистон Коммунистик партияси етакчиси, парламент депутати Шодди Шабдоловнинг айтишича, жазо



нинг янги тизими қашшоқ оила фарзандларини чорасиз қолдириши мумкин.

“Ахир бу ота-оналар зиммасига юклатилади, - дейди у жарималар ҳақида. – Агар бола етим ёки камбағал ота-она фарзанди бўлса-чи?”

“Болалар ҳуқуқи маркази” ходимаси бўлган юрист Гулчеҳра Раҳмонова вояга етмаганлар иштироки билан боғлиқ кўплаб жиноий ишларга дуч келган; у одатдаги қонунбузарларнинг ота-оналари жарима тўлашга қурби етмаслиги ҳақидаги фикрларга кўшилади.

“Кўпинча егулик ёки уст-бош учун пул топиш мақсадида ўғрилиқ ёки фирибгарлик қилган ночор оилалардан бўлган ўспиринларни судлашади, - дейди у. – Одатда, уларнинг ёлғиз қолган оналари ишсиз бўлиб, садақа ёки қариндошларининг ёрдами эвазига кун кечиришади. Бундай вазиятда улар жарима тўлашдан бутунлай бош торттиб, фарзандларини ёпиқ ахлоқ тузатиш муассасасига топширишни маъқул кўрадилар”.

Тоҷикистон Ички ишлар вазирлигининг вояга етмаганлар ва ёшлар орасидаги қонунбузарликлар профилактикаси ва улар олдини олиш хизмати раҳбари ўринбосари Ширинбек Мирзоев, қонунбузарликлар қашшоқ ота-оналар фарзандлари ёки кўчада яшайдиган болалар томонидан амалга оширилишини тасдиқлайди.

Янги қонунчиликда кўзда тутилган чоралардан бирига мувофиқ, ҳибсга олинган ва жарима тўлаган вояга етмаган шахс муддатдан аввал озодликка чиқариб юборилиши мумкин.

Болалар ахлоқ тузатиш колонияси раҳбари Алихон Ҳамроев бу ёш қонунбузарларга тескари таъсир қилиши мумкинлигидан ҳавотир билдиради.

“Озодликка чиқариш – бу қонунбузарлар учун муаммонинг ечими бўлмайди, ахир бу болалар ота-оналарининг зарур ғамхўрлигисиз ўсган, улар саводсиз ва ҳеч қандай малакага эга эмаслар. Биз уларга жидду жаҳд билан содир этган жиноятларини англаб етишлари ва ҳаётда ҳалол меҳнат билан пул топишлари кераклигини тушуниб етишлари учун ёрдам беришга ҳаракат қиламиз”, - дейди у.

“Шундай қилиб, ўспирин жарима тўлаш орқали озодликка чиқади. Аммо у судланганлик тамғаси билан ва бирор касб-корга эга бўлмай туриб, қаерга ишга киради?”

Вақт ўтгач, у бизнинг колонияга ёки энди катталар колониясига қайтиб келиш эҳтимоли бор”, - дея давом этди Ҳамроев.

Бошқа экспертлар вояга етмаганлар содир этаётган жиноятларга қарши кураш бўйича тизимда янада кенгроқ қамровли ислохотлар ўтказилишининг тарафдоридирлар. Қонунбузар қўлга олинган пайтда у стандарт суд жараёнларидан ўтиши керак бўлади, чунки мамлакатда алоҳида ювенал адлия мавжуд эмас.

Ҳукумат қошидаги инсон ҳуқуқлари қўмитаси экспертлар гуруҳи 2009 йили тадқиқотлар олиб бориб, кўпчилик вояга етмаган қонунбузарлар судья ва прокурорларнинг бошқа қонуний йўллари бўлмагани боис арзимаган жиноятлар содир этганлари учун панжара ортига тушиб қолган, деган хулосага келдилар.

2010 йилнинг феврал ойида тақдим этилган тадқиқотлар БМТнинг болалар ҳуқуқи қўмитасининг Тоҷикистонда махсуслаштирилган ювенал адлия тизимини киритиш бўйича чақириқларини тасдиқлади.

Болалар ҳуқуқи бўйича экспертлар боланинг ёшлигида қамоққа тушиши унинг ёш жиноятчидан келажакда катта жиноятчига айланиш эҳтимолини кучайтириши мумкинлигини айтишмоқда.

“Болалар ҳуқуқи маркази”нинг раҳбари Тожиддин Жалолов қонунбузар ўспиринларни бундай муҳитдан олиб чиқиш нечоғли муҳимлигини айтади.

“Мен биринчи мартаба жиноят содир этган болаларни жазоламаслик керак, деб ҳисоблайман. Улар билан ишлаш мумкин ва зарур”, - деди Жалолов ўзи раҳбарлик қилаётган марказ томонидан ўтказилган ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маҳаллий лойиҳа шарофати билан Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра жиноятчилик сони 27% га камайганини қўшимча қиларкан.

“Аммо бу мамлакат миқёсида амалга оширилаётгани йўқ ва шунинг учун болалар жиноий ҳамжамиятдан чиқиб кетиш имконидан маҳрум қолаётдилар”, - деди Жалолов.

**Валентина Қасимбекова – IWPR тренингларида
ўтган душанбелик журналист.**

Сурат муаллифи – Нозим Қаландаров



ТУРКМАНИСТОН

Инсон ҳуқуқлари лойиҳасининг амалда татбиқ этилиши ҳокимият обрўси ошишига сабаб бўлиши мумкин



Туркменистонда ҳуқуқ муҳофазаси лойиҳасини амалга ошириш учун ҳокимиятнинг очиқлиги ва фуқаролик жамиятининг кенг иштироки зарур бўлади.

Маҳаллий фаоллар 7 сентябр куни Ашхободда Европа Иттифоқи вакиллари Туркменистон ҳукумати билан БМТ Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари олий комиссари бошқармаси ҳамкорлигида амалга ошириладиган “Туркменистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги потенциалига кўмаклашиш ва уни ҳимоялаш” уч йиллик дастурини муҳокама қилганларини умид билан қаршилаб, мамлакат ҳуқуқ муҳофазаси бўйича мулоқотда кичик қадамлар ташлай бошлаганини қайд этдилар.

Аммо янги ташаббус чиндан ҳам ҳуқуқлари бузилганидан зарар кўрганлар эҳтиёжларига қаратилишини истардик. Масалан, Европа Иттифоқи Туркменистонда истаган киши ҳеч бир тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин бўлган мустақил халқаро экспертлар жалб қилинмиш бюро очилиши ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Кўпинча ҳақиқат учун курашда ноилож қолган туркменистонликлар Ашхободдаги санокли бўлган нуфузли ташкилот офисларига мурожаат қилишга ҳаракат қиладилар. Аммо бу самара бермайди.

Масалан, мамлакат ғарбидаги Болқон вилоятидан бўлган фаол Амангелен Шапудаков ана шундай қийинчиликка дуч келганлардан бири. Ўтган ёзда Шапудаков маҳаллий идораларнинг ҳаммасидан ўтиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кўмитасига ариза топшириш мақсадида БМТнинг Ашхободдаги ваколатхонасига атайлаб келган. Аммо уни четга олиб ўтган ваколатхона кўриқчилари Шапудаковни ватанпарвар бўлмаганликда айблаб, полиция чақириш дағдағаси билан уни халқаро

ташкilot жойлашган ҳудуддан ҳайдаб чиқаришган. Шундай қилиб, болқонлик фаол уларга оддий Туркменистон фуқаросининг халқаро тузилмаларга қўли етмаслигини етказга олмаган.

Йирик ҳуқуқ муҳофазаси лойиҳасини амалга ошириш йўлида тутиб турувчи омил бўлган бошқа бир муаммо бу маҳаллий амалдорларнинг ташаббуссизлиги ва уларнинг жавобгарликдан чўчишидир. Ашхобод шаҳар суди ходимининг қайд этишича, кўриб чиқиладиган “деярли барча” ишлар ўзларининг “ҳомий”ларига эгадир. Агар, масалан, судья амалдорнинг ўз манфаатлари кўзланган бирор-бир ишини хайрихоҳлик билан кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосини рад қилса, ўша судья ишдан олинади, деди у.

Шунингдек, ҳукумат амалдорлари ҳам аноним суҳбатлар чоғида барчаси хўжакўрсинга бажарилиши, мамлакатда ташуббуслар “юзак кўриниш учун амалга оширилиши”ни яшириб ўтирмадилар. Дадилроқ ҳаракат қилмоқчи бўлган озчилик ҳам ўз урунишларининг эътиборсиз қолиб кетажигига амин бўлдилар.

2008 йили Копетдаг ҳокимияти ходимаси, унинг айтишича, кўпгина инқилобий тақлифлар акс этган, аслида эса инсон ҳуқуқлари вазиятини яхшилашга қаратилмиш амалий қадамлардан иборат бўлган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича лойиҳасини раҳбариятига тақдим этишга аҳд қилгани тўғрисидаги воқеа маълум. “Лойиҳа ҳали-ҳануз чанг босиб ётибди”, - дейди у.

Мазкур ҳуқуқ муҳофазаси дастурининг йўлга қўйилиши тўғрисида жамғармамиз ўтказган сўровда иштирок этган Туркменистондаги фуқаролик гуруҳлари етакчилари мазкур муҳим ғояни амалга ошириш учун авваломбор амалий шароитлар яратилиши кераклигини айтишди.

Биринчидан, жамият ва амалдорлар ҳуқуқ муҳофазаси дастурининг амалда бажарилиши бўйича президент Ғурбангули Бердимухаммедовнинг жиддий ниятлари ҳақида ишора олишлари; иккинчидан, цензурадан ўтказиладиган ва миллат раҳнамосининг ишларини доимий мақтаб келадиган давлат оммавий ахборот воситалари эмас, балки халқаро журналистлар ва БМТ ҳамда Европа Иттифоқи кўнгилчилари ҳамкорлигида тайёрланмиш кенг кўламли ахборот кампаниясини ўтказиш шарт.

Туркменистон Хельсинки жамғармасининг мамлакат шарқида жойлашган Лебон вилоятидаги фаоли “ахборот қамалини” қизиқарли лавҳалар, шикоят аризаларининг кўриб чиқиши бўйича реал воқеалар тўғрисидаги ҳикоялар, фуқаронинг ҳуқуқи бузилишида унинг ўзини қандай тутиши кераклиги бўйича амалий маслаҳатлар, халқаро экспертларнинг жойлардаги, аҳоли билан

учрашувлари пайтидаги чиқишлари орқали ёриб ўтиш мумкинлигини таклиф қилмоқда. Ҳозир эса бунинг акси бўлапти: БМТ ва Европа Иттифоқи экспертлари келиб, турли вазирликлардаги масъул шахслар билан турли учрашувлар ўтказишяпти, уларнинг ташаббуслари эса халққа етиб бормаяпти.

Бундай дастурлар амалга оширилишини иддао қилаётган ҳокимият авваламбор халқ олдида обрў қозонмоғи керак. Масалан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятларни кўриб чиқиш бўйича президент ҳузуридаги Комиссияда рўйхатга олинган барча шикоят аризаларини ўрганиб чиқиш учун инсон ҳуқуқлари соҳаси билан шуғулланувчи халқаро юристлар ихтиёрига топшириш мумкин. Бу Туркменистоннинг халқаро судга қўшилиши томон қўйилган қадами ибтидоси бўлади.

Бугунги кунда президент ҳузуридаги комиссия унчалик самара бермаяпти.

Яна бир таклиф. Фуқароларга давлат муассасаларининг веб-сайтлари орқали ҳукуматга ўз мурожаатлари ва таклифларини юбориш ҳамда суд қарорлари билан танишишлари учун имкон яратиб бериш керак.

Кўпгина ривожланган давлатларда одам ўзини қизиқтираётган иш жараёнини ҳокимиятнинг суд органлари сайтлари орқали кузатиб бориши анчадан буён амалиётга айланди. Бундай қадам, шубҳасиз, аҳолида ишонч уйғотади.

Ҳуқуқ муҳофазаси дастурининг амалга оширилиши учун йўл очиб берадиган бошқа ўта муҳим бўлган масала бу Ниёзов режими қурбонлари бўйича мустақил текширув ўтказилиши, туркман амалдорлари доим қочадиган сўз, эътиқод ва ҳаракатланиш эркинликларининг ҳаётга татбиқ этилиши зарурлигидир.

Тожигул Бегмедова, Туркменистон инсон ҳуқуқлари Хельсинки жамғармаси етакчиси.

Туркменистондаги диний ташкилотлар расмийлар босими остида қолмоқда

Расмийлар диний ташкилотларга эҳтиёткорона билан муносабатда бўлишда давом этмоқда

Янги қонунчилик Туркменистондаги диний ташкилотларга нисбатан бўлган босимни сусайтириши мумкинлиги ҳақидаги умидларга қарамай, ҳукумат ўз уринишларидан воз кечмаганидан далолат берувчи аломатлар мавжуд.

Ҳозир Туркменистон парламенти муҳокамасида бўлган диний ташкилотлар тўғрисидаги янги қонунчилик ҳар бир диний ташкилотнинг ҳуқуқий мақомни қўлга киритиши учун шарт бўлган рўйхатга олиш тартибини енгиллаштириши мумкин.

Мамлакатда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилот юристи янги қонун қайддан ўтиш жараёнини енгиллаштиришига умид қилади, чунки бугунги кунда “бизда эркинлик принциплари ва динлар тенглигига амал қилинмаяпти”.

Аммо аввалги қонунчиликларга киритилган ўзгаришлар қонун юмшатилиши бўйича имкониятларнинг камлигидан далолат бермоқда.

2003 йилдан бошлаб, яъни “Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга биринчи жиддий ўзгаришлар киритилганда мазкур структураларга нисбатан бўлган қоидаларни янада кўпроқ кучайтириш кузатилгани қайд этилади.

Аввал “диний ҳамжамият”ни ташкил этиш учун зарур бўлган диндорлар сони 500 кишигача кўпайтирилганди; иккинчидан, 2006 йили рўйхатга олиш тартибига ўзгаришлар киритилганди. Уларга мувофиқ, Адлия вазирлиги руҳсатидан ташқари ташкилотни рўйхатга олиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг қарори ҳам талаб қилинади.

Туркменистон Конституцияси эътиқод эркинлигини кафолатлайди, аммо ҳукумат айниқса кичик диний гуруҳлар иштирокидаги очиқ диний фаолиятга нисбатан советча ҳадиксираш билан қарайди.

Туркменистондаги протестант жамоати вакили амалдорлар уларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларига нисбатан доимо эътиборсизлик қилишларини айтади.

“Улар бизга ўзларининг ёзилмаган қонунлари борлигини айтишади. Улар Конституцияга тупурган”, - деди у.

2010 йилнинг январ ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этилган ҳисоботдаги ҳукумат маълумотларида мамлакатда фаолият юритиш учун расмий қайдга эга бўлган 123 та диний ташкилот келтирилган: уларнинг 100 га яқини мусулмон ташкилотлари, 13 таси Рус Православ черкови қавми, қолганлари эса Еттинчи Кун Адвентистлари, баптистлар, Туркменистон Баҳойлари жамияти ва Қришнани Англаш Жамиятидир.

Туркменистон Рим-Католик черкови эса жорий йилнинг март ойига келиб мамлакатда рўйхатдан ўтди.

Яна тўртта ташкилот, хусусан, Яҳуво гувоҳлари жамияти рўйхатдан ўтиш бўйича ўз аризаларига жавоб кутмоқдалар, аммо Forum 18 веб-порталининг хабар қилишича, ушбу ташкилотлар баъзиларининг мурожаатлари рад қилинди.

“Мен бизни рўйхатдан ўтказишни истамаётганларини тушунмайман, - деди IWPRга Яҳуво гувоҳлари жамиятининг фаолларидан бири. – Бизлар кўпчиликмиз ва биз қонунни ҳурмат қилгувчилармиз”.

Диний ташкилотнинг расман қайддан ўтмаганлиги унинг ҳаттоки формал қонуний ҳимояси йўқлигини англатади.

Уларнинг учрашувлари таъқиқланган, аъзолари қўлга олинган, диний адабиёти эса мусодара қилинган.

Яҳуво гувоҳлари вакилининг айтишича, улар ортидан бўладиган доимий кузатув ва босим ушбу жамият йиғилишлари сонининг қисқаришига олиб келди.

“Сўнги ярим йил мобайнида биз гуруҳ бўлиб йиғилмаяпмиз ва ўз одамларимизга ўнтадан ошиқ бўлиб учрашмасликни маслаҳат бераяпмиз, чунки биз доимо полиция ва бошқа махфий хизмат ходимларининг назоратидамиз, - деди у. - Байрам ёки туғилган кунларни нишонлаётган пайтимизда полиция ходимлари келиб, бизга тарқалишни буюрган ҳоллар биринчи маротаба бўлаётгани йўқ”.

Ҳуқуқ ҳимоячиларининг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда Яҳуво гувоҳлари жамиятининг беш нафар вакили ҳарбий хизматни ўташдан бош тортгани учун қамоққа олинган. Ушбу оқимнинг яна бир вакили мамлакат шарқидаги Лебоб вилоятининг Сейди шаҳрида ўз устидан суд маҳкамаси бошланишини кутмоқда.

“Уларнинг ҳаммасига шафқатсиз муносабатда бўлишмоқда, дўппослашмоқда, бир маҳбусни буйрагига уриб, ногирон қилиб қўйишди”, - деди ашхободлик ҳуқуқ ҳимоячиси. – Улар қариндошлари ва (Яҳуво гувоҳлари) жамияти аъзоларининг талабномалари ва мурожаатларига қарамай, қамоқ ортида қўлланаётган қийноқлар бўйича текширув ўтказилишига эришишнинг ҳозирча имкони йўқ”.

Моҳиятан, агар ҳукумат диний ташкилотнинг фаолиятини чеклашга қарор қилган бўлса, расмий рўйхатдан ўтиш унга жуда чекланган фаолият юритиш эркинлигини беради.

Август ойи бошида полиция рўйхатдан ўтган Туркменистондаги протестант жамияти томонидан Ашхобод яқинида ташкиллаштирилган ёшлар ёзги оромгоҳида рейд ўтказиб, 47 кишини қўлга олди. Бу ҳодиса ҳақида хабар қилган Forum-18 порталининг қайд этишича, полиция оромгоҳ ташкилотчиларини режалаштирилаётган тадбир ҳақида ҳукуматни хабардор қилмаганликда айблаган.

Аммо черков вакилларининг таъкидлашларича, улар ташкилоти рўйхатдан ўтгани боис бу каби йиғилишлар учун алоҳида рухсат талаб этилмайди.

Ашхоботдаги Кришнавийлар жамияти вакилининг IWPRга айтишича, зарур рухсатнома бўлишига қарамай, махфий хизмат ходимлари жамият аъзолари ордидан кузатувни учрашувлар пайтида ташкиллаштирадilar.

“Биз доимий равишда ўз ортимиздан кузатувни сезиб турамиз”, - деди у.

Суннийлик этник туркман кўпчилиги ва мамлакатдаги ўзбеклар каби жамиятлар учун анъанавий дин ҳисобланса-да, ҳаттоки диндорларнинг бу қатлами ҳам диний эркинликни сезмайдилар.

Полиция ходимининг IWPRга айтишича, диний маросимларни ўтказиш ҳукумат амалдорлари ва давлат ходимлари орасида маъқулланмайди.

У ўз оиласи унинг ўғлига анъанавий бўлган хатна маросимини ўтказганларини эслайди.

“Мен ишимда муаммо юзага келишини истамайман, шунинг учун хотиним билан келишиб, хизмат сафарига кетганимда қариндошларим муллани чақириб, гўёки

ҳаммасини мендан яшириб ўтказишгандек бўлишди”, - дейди у кўпчилик ҳамкасблари ҳам ана шундай йўл тутишларини қўшимча қиларкан.

Ҳайитбой Ёқубов Туркменистонга чегарадош бўлган Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятидаги “Нажот” ҳуқуқ муҳофазаси ташкилотига раҳбарлик қилади. Унинг қўшни мамлакатдаги манбалари маълум қилишича, Туркменистон ҳукумати мамлакатда диний экстремизм ривожланишидан хавфсирагани боис диний ташкилотлар устидан назорат ўрнатиш бўйича чоралар пакетини ишлаб чиқмоқда.

“Режалар бутун Туркменистон бўйлаб диндорлар ва диний амалларни бажарувчи шахслар бўйича маълумотлар базасини яратиш, барча масжидларга видео-камералар ўрнатиш, ҳар бир фуқаронинг динга бўлган муносабати ва унинг диндорлиги даражасини аниқлаш кабиларни ўз ичига олган”, - деди у.

Болгариядаги Туркменистон Хельсинки жамғармаси ҳуқуқ муҳофазаси ташкилотининг раҳбари Тожигул Бегмедова 2007 йили вафот этган Сапармурод Ниёзов вори бўлган президент Ғурбангули Бердимухаммедовнинг ҳокимиятга келган даврда катта ўзгаришлар бўлмаганини таъкидлайди.

“Бошқарувнинг аввалги диктаторлик услубларидан жиддий чекинилгани йўқ, - деди у. – Туркменистон қайси йўлдан кетмоқчилигини аниқлаштириб олмади. Мамлакат бир демократик ҳамжамият олдида ўзини кўз-кўз қилгандек бўлади, айна пайтда бир диндорлар устидан назоратни кучайтиради”.

Дўлет Ўвезов – Ашхоботдаги журналист таҳаллуси.

Инга Сикорская – IWPRнинг Туркменистон ва Ўзбекистон бўйича Бишкекдаги катта муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН



Ўзбекистон қамоқхоналаридаги таҳқирлашлар маҳбусларнинг асаб касаллигига йўлиқишига сабаб бўлмоқда

По словам правозащитников, пытки продолжают оставаться привычным явлением в узбекских тюрьмах.

Ҳуқуқ ҳимоячилари сўзларига кўра, Ўзбекистон қамоқхоналаридан қийноқлар одатдаги кўринишлигича қолмоқда.

Ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари сўзларига кўра, қийноқ ва жисмоний зўравонликнинг бошқа шакллари мамлакат пенитенциар тизимида одатдаги кўринишлигича қолмоқда, бу эса маҳбуслар орасида асаб касалликлари кучайишига олиб келмоқда.

Қароргоҳи Францияда жойлашган “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” ассоциацияси маълумотларига кўра, “Ўзбекистондаги қамоқхоналарда асаб касаллигига чалинган шахслар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилмаяпти, улар ҳақидаги маълумотлар эса имкон қадар сир тутилаяпти”.

Маҳбусларнинг қариндошлари кўпинча ўз яқинларининг ҳаёти учун қўрққанларидан бу ҳақда гапирмасликни маъқул кўрадилар.

Кўпроқ диний экстремизмда гумонланганларга нисбатан қўлланиладиган “конституциявий тузумга тажовуз қилишга уринганлик” моддаси бўйича 18 йилга озодликдан маҳрум қилинмиш маҳбусларнинг опаси қамоқхонадаги шароит ўз укасини қай даражада ўзгартириб юборганини шундай тасвирлайди:

Аёлнинг укаси Навоийдаги қамоқхонадан шароити ўта ёмонлиги билан номи чиққан Жаслик ёпиқ зонасига кўчирилганидан кейин у қамоқхона нозирлари томонидан калтакланади, натижада унинг иккала қўли синади.

Унга бир неча ой мобайнида ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатилмайди, кейин эса уни оғриқни қолдирадиган ҳеч қандай дори қўлламай операция қиладилар. Афтидан, айнан шу ҳолат унинг руҳий ҳолати кескин ёмонлашувига сабаб бўлади.

“У жуда тажовузкор бўлиб қолибди ва мутлақо ақлдан озибди, - дейди маҳбусларнинг опаси. – У касали хуруж қилганда камерадошларини ухлатмагани учун уни тепкилаб тинчлантирар эканлар, уни нозирлар ҳам дўппосларканлар”.

Талончилик учун жазо муддатини ўтаётган аёлнинг акаси синглисининг ўзи содир этмаган жинояти учун қамалганини қайд этаркан, у қамоқда бўлган чоғида соғлиғига жиддий зарар етганини айтади.

“Қамоқда ўтказган бир йил мобайнида у ёш аёлдан кампирга айланиб қолди. Унинг ҳуши жойида эмас, у мени доим ҳам таний олмаяпти, - дейди маҳкуманинг акаси.

– Учрашишга камдан-кам ҳолларда рухсат беришаяпти, [баъзан рухсат бериб қолинган пайтда эса] мен кўпинча унинг калтакланганини кўраяпман”.

Маҳкуманинг акаси, агар бу борада текширув ўтказилишини талаб қиладиган бўлса, “уни (синглисини) бошқа тирик кўролмаслиги”га амин эканини айтади.

Қароргоҳи Францияда жойлашган “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” ассоциацияси президенти Надежда Отаева 1995 йилдан буён қамоқ жазосини ўтаётган собиқ парламент депутати Мурод Жўраев ҳозир жуда ёмон аҳволдалигини айтди.

Жўраев давлат тўнтаришини амалга ошириш мақсадида ёшларни Туркияда ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ишини уштирганликда айбланган муҳолифатдаги “Эрк” партиясининг судланган аъзоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

“Қамоқхонадаги қийноқлар туфайли ақлдан озаёзган сиёсий маҳбус Мурод Жўраевнинг хотини мендан: “Нима деб ўйлайсан, агар мен унинг ўрнига жазо муддатини ўтайман десам, рози бўлишармикан?”, - дейди Отаева. – Бу аёл унинг эрини қандай аҳволга солаётганларини кўришга тоқати қолмаган”.

Ўзбекистон тергов ҳибсхоналари ва қамоқхоналарида қийноқ қўлланиши кўп йиллар мобайнида далиллар билан исботланиб келган.

Ўзбекистон ҳукумати ва маҳаллий ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиққан БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси шу йил март ойида мамлакатдаги инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини билан боғлиқ вазиятни қораловчи ўз хулосаларини ёйинлади.

БМТ қўмитаси Ўзбекистон ҳукуматига қийноқ ва муносабатнинг бошқа аёвсиз шакллари қўллашга чек қўйиш учун таъсирли чораларни ишга солиш; мазкур ноҳуш ҳодисалар бўйича мониторинг ва текширувлар ўтказиш; зарурат туғилганда маҳбусларга нисбатан аёвсиз муносабатда бўлган барча кишиларни таъқиб қилиш ва жазолаш; “қийноқ қўлланган ҳар бир ҳолатда текширув мустақил орган томонидан ўтказилаётганига амин бўлиш”; шунингдек, қийноқ қурбонларига товон пули тўлаш масаласини кўриб чиқиш талаби билан мурожаат қилди.

Бундан ташқари, БМТ қўмитаси “қийноқ қўлланилаётгани ва аёвсиз муносабат бўлинаётгани ҳақида тўхтовсиз хабарлар келиб турганини; бундай ҳаракатлар учун масъ-

ул бўлган шахсларни айблаш ҳолати жуда камлигини; қийноқ қўллаганларга нисбатан етарлича жазо, шу жумладан, интизомий жазо берилмаётганини, шунингдек, бундай ҳаракатлар учун масъул бўлган шахслар амнистия қилиб юборилаётганини; шу билан бирга қийноқлар ва аёвсиз муносабат юзасидан берилган аризалар бўйича текширувлар етарлича ўтказилмаётганини ташвиш билан қайд этади. Шунингдек, қўмита босим остида олинган иқрорнома ва далиллар судлар томонидан фойдаланилаётгани ҳақидаги хабарлардан ҳам ташвишда”.

Март тингловларида Ўзбекистон ҳукумати позициясини баён қила туриб, ўзбек расмийлари икки тактикани танладилар: мамлакатда инсон ҳуқуқларига нақадар астойдиллик билан риоя қилинаётгани ҳақида фараҳбахш манзара тақдим қилинди ва халқаро ташкилотлар томонидан бўлаётган танқидларга нисбатан норозиликлар ифода этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов қийноқлар қўлланилиши ҳақидаги саволга жавоб бера туриб: “Биз Осиё давлатимиз, биз мусулмон давлатимиз. Биз ҳеч қачон Европа мамлакати бўлмаймиз”, дея билдирди.

Саидов сўзларига кўра, ҳуқуқ ҳимоячиларининг ҳисоботларига эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур, чунки улар сиёсий тарафқашлик йўлини тутиб, фақат алоҳида олинган фактларга ёпишиб олиб, бунини умумий вазият ўлароқ тақдим қилишга уринмоқдалар.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Абдукарим Шодиев мамлакат пенитенциар тизими шаффоф эканини, у ерда “мустиқил мониторинг амалга оширилаётгани ва парламент назорати ўрнатилгани”ни қайд этди.

Олий суд раис ўринбосари Шерали Раҳмонов қийноқлар натижасида олинган далил ва иқрорномалардан фойдаланишни таъқиқловчи 2004 йилда қабул қилинган қонундан иқтибос келтириб, мазкур қонунга мувофиқ судларга қийноқлар қўлланилгани ҳақида ариза тушган тақдирда улар бу борада текширув ўтказишлари шартлигини қайд қилиб ўтди.

Туғилишни тартибга солиш дастури аёллар ҳақ-ҳуқуқларини бузмокда

Ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари туғруқ ёшидаги аёлларни мажбурий стерилизация қилиш жараёни давом этаётганидан хавотир билдирмоқдалар

Маҳаллий фаолларнинг маълум қилишларича, Ўзбекистонда 2010 йилнинг 15 августигача давом этадиган ёш аёлларни стерилизация қилиш бўйича иккинчи босқич кетмокда. Бу сафар бола туғиш салоҳиятига эга бўлган аёлларни аниқлашда шифокорларга прокуратура, маҳаллий ҳокимиятлар ва маҳалла қўмиталари ёрдам бермоқдалар.

“Туғруқ ёшидаги аёлларнинг тиббий кўриқдан ўтиши бўйича назоратнинг кучайтирилиши” дастури баҳонасида ўтаётган бу кампаниянинг биринчи босқичи, исми ошкор қилинишини истамаган тошкентлик шифокорнинг сўзларига кўра, баҳорда бўлиб ўтди.

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлар мониторинги билан шуғулланувчи Тошкентдаги эксперт ишчи гуруҳи, фев-

Ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқ ҳимоячилари мамлакатда қийноқлар фақат истисноли ҳолатларда қўлланилиши ҳамда қийноқ қурбонлари адолат қарор топишига умид қилиши мумкинлиги ҳақидаги баёнотларни кескин рад этадилар.

Эҳтимолий қатағонлардан кўрққанидан исми ошкор қилинмаслигини сўраган тошкентлик юрист сўзларига кўра, “сиёсий” деб таснифланган ёки ҳуқуқ ҳимоячиларига қарши айбловни ўз ичига олган ишларнинг 90 фоизида иқрорнома олиш учун қийноқлар қўлланилади.

Пенитенциар тизим шаффофлигини таъминлаш ўрнига расмийлар бунақа қонунбузарликлар ҳақида маълумот ташқарига чиқиб кетмаслиги учун, бунинг олдини олиш учун қўлдан келганча ҳаракат қилиб ётибдилар, дейди “Эзгулик” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Василя Иноятова.

Унинг ташкилоти асаб хасталиги бор маҳбусларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун улар олдида шифокорлар келишига рухсатнома олишга уринган пайтда бу уринишлар ҳеч қанақа фойда бермаган, чунки расмийлар ҳар сафар “маҳбус соғлом” дея жавоб берганлар.

(Мақоладаги айрим исмлар сўралганларнинг хавфсизлигини ўйлаб тушириб қолдирилди.)

Мазкур мақола IWPRнинг икки лойиҳаси – Европа Комиссияси томонидан молиялаштирилаётган “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” ҳамда Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан молиялаштирилувчи “Ҳуқуқ муҳофазаси масалалари, зиддиятларни ёритиш ва ишончли мустақамлаш бўйича информацион дастур” каби лойиҳалар доирасида тайёрланди.

IWPR Европа Иттифоқи мамлакатлари ёки Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги нуқтаи назарини мутлақо акс эттирмаган мазкур мақола мазмуни учун жавобгарликни тўлалигича ўз зиммасига олади.

рал ойида соғлиқни сақлаш Вазирлиги “туғруқ ёшидаги аёлларни кўнгилли жарроҳлик йўли билан стерилизация қилишни амалга оширишни тартибга солиш” бўйича 40 сонли махсус буйруғини чиқаргани ҳақида маълумотларга эга.

Ҳужжатга кўра, ҳар бир шифокорга иккитадан аёл топиш ва уларни кўнгилли жарроҳлик йўли билан стерилизация қилдиришга кўндириш, элликта мижозни эса контрацептив воситаларни қўллашга ишонтириш топширилган.

“Ҳар куни эрталабки мажлисларда шифокорлардан стерилизация қилиш бўйича олиб борилган ишлар бўйича сўрашмокда. Буйруқни бажармаганларни уришишяпти”, – дейди тошкентлик тиббиёт ходими.

Ўзбекистон давлат статистика маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 апрелига қадар мамлакат аҳолиси сони 28 миллион кишини ташкил қилган ва жорий йил бошидан 94 минг кишига кўпайган. Демография соҳаси мутахассисларининг тахминларига кўра, 2015 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси сони 33 миллион кишига етиши мумкин.

Ўзбек оилалари одатда кўп болалик бўлади, шунинг учун ҳукумат мамлакат туғилишнинг кўплиги ҳисобига аҳоли ҳаддан зиёд кўпайиб кетаётгани ва самарали контрацепция сифатида аёлларни стерилизация қилишни таклиф қилаяпти.

“Бунга кўнмаган аёллар кичик ёшдаги болаларига берилувчи нафақа пулидан маҳрум бўлишяпти, - дейди тошкентлик кузатувчи. – Пулни олиш учун аёл шифокордан справка олиши керак, шифокор эса аёл стерилизация қилинмагунича справка бермайди”.

Ўзбекистондаги кўпгина шифокорлар аёлларни оммавий равишда стерилизация қилинаётганини оналарга тўланадиган нафақа пуллари учун бюджет маблағларининг етишмаётгани, ҳамда оналар ва болалар орасидаги ўлим кўрсаткичининг юқорилигини айтиб оқлаяптилар.

Тошкентдаги доялик ва гинекология ихтисослашган илмий-амалий тиббий маркази клиникасининг гинекологи, стерилизация жараёни мажбурийдан кўра кўпроқ кўнгилли бўлаяпти, дея ҳисоблайди. Аксар ҳолларда марказ шифокорлари алоҳида туманларга бориб, ҳафтасига қирқталаб жарроҳлик амалиётларини ўтказишларига тўғри келяпти, дейди у.

“Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайд этилган аёлларнинг 40-50 фоизи стерилизация қилинди, - дейди шифокор. – Кўпчилик стерилизация абортдан кўра яхшироқ эканини тушунмоқда”.

Аммо News Briefing Central Asia интернет нашри томонидан сўралганларнинг ҳаммаси ҳам гинеколог айтганларига қўшилмасликларини билдирдилар ва улар шифокорлар аёлларни алдов йўли билан стерилизация қилганлари бўйича мисолларни айтиб бердилар.

Фарғона водийсининг жануби-ғарбида жойлашган Қўқон шаҳридан бўлган 23 ёшли Наргиза иккинчи фарзанди дунёга келгач, учинчисини туғишни истаган, аммо ҳомиладор бўлолмаган. Тиббий кўриқдан сўнг тошкентлик шифокорлар аёлга учинчи сафар туға олмаслигини, Кесар жарроҳлиги билан ўтган иккинчи туғруқдан сўнг “контрацепция мақсади”да унинг фаллопиев найчалари тикиб ташланганини айтишган.

Наргиза ва унинг турмуш ўртоғи судга мурожаат қилишмоқчи бўлишган, аммо шунда қўқонлик шифокорлар аёлга уни стерилизация қилишларига руҳсат бергани ҳақидаги розилик хатини кўрсатишган.

“Мен бу қоғозга қўл қўяётганимда, шифокорлар унинг шунчаки миннатдорчилик хати эканини айтишганди”, - дея таажжубланади Наргиза.

Хоразмдаги “Нажот” ҳуқуқ муҳофазаси гуруҳи раҳбари Ҳайитбой Ёқубовнинг маълумотларига кўра, бундай алдаш ҳоллари кенг тарқалган.

“Шифокорлар аёлда жарроҳлик йўли билан стерилизация ўтказилиши ўта зарур бўлган жиддий касаллик аниқланганини билдириб, уларни алдашади”, - дея маълум қилади Ёқубов.


Ҳуқуқ ҳимоячилари ушбу мажбурий амалиётни аёллар ҳуқуқининг кўпол бузилиши, дея атаб, жарроҳлик йўли билан стерилизация қилиш фақат туғувчи аёллар огоҳлантирилганидан кейингина амалга оширилиши мумкинлигини айтишмоқда. Шунингдек, экспертлар жарроҳлик йўли билан стерилизация қилишдан сўнг аёл организмиде жиддий ва хавфли ўзгаришлар рўй беришига эътибор қаратишмоқда.

“Кўпчилик аёлларда соғлиғи билан боғлиқ муаммолар юзага келди, кўпчиликда ҳайз кўриш циклида бузилиш кузатилмоқда ва бир-икки ой давомида қон кетиши тўхтамаяпти, - деди тошкентлик тадқиқотчилардан бири. – Бундан хабар топган кўпчилик аёллар мажбурий стерилизациядан олдин қўрқув ичида яшамокдалар”.

2007 йили БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси ўз ҳисоботида кўпинча Кесар жарроҳлигидан сўнг ўзбек аёлларини мажбуран стерилизация қилиниши ва ички жинсий органлари олиб ташланиши бўйича далилларни маълум қилди. Мамлакатда демографик мувозанатни тартибга солиш бўйича қатор маслаҳатлардан сўнг стерилизация қилиш ҳоллари қисқарди. Аммо бу йил мажбурий контрацепция яна давом эттирилди.

“Бу мажбурий кампания аёлларни ёппасига мазах қилиш ва улар ҳақ-ҳуқуқларини топташ билан баробар”, - деди фарғоналик ҳуқуқ ҳимоячиси.

INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING



Institute for war & peace reporting

48 Gray's Inn Road
London, WC1X 8LT, UK
Tel: (44 20) 7831 1030
Fax: (44 20) 7831 1050
Web: www.iwpr.net
E-mail: info@iwpr.net



IWPR нинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри 720017
Тоголок Молдо кўчаси, 18-2
Тел.: + 996 312 664453, 61 38 70
Факс: + 996 312 61 38 70
E-mail: iwpr.kyrgyz@iwpr.net



IWPR нинг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси

Қозоғистон Республикаси,
Алмати шаҳри, 050000
Қазибек би кўчаси, 50
2 - чи қават, 84 офис
Тел.: + 7 727 2725903, 2726421, 2726890
E-mail: iwpr.kazakhstan@iwpr.net



IWPR нинг Тоҷикистон Республикасидаги ваколатхонаси

Тоҷикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри, 734003
Рудакий проспекти, 137
“Тоҷикматбуот”, 6 – чи қават
Тел.: + 992 372 247026
E-mail: iwpr.tajikistan@iwpr.net
Тел./Факс: + 992 372 247051

IWPR Европа Иттифоқи давлатлари қарашларини мутлақо акс эттирмаган мазкур нашр мазмуни учун жавобгарликни тўлалигича ўз зиммасига олади.